Халқ дениздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

1991 ЙИЛ
9 ФЕВРАЛЬ
ШАНБА
№ 29
ҲИЖРИЙ:
ҚАМАРИЙ 1411 ЙИЛ
РАЖАБ, 25-КУН
ШАМСИЙ
1369 ЙИЛ
ДАЛВ, 22-КУН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январда таваллуд топган

НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН.
СОТУВДА 10 ТИЙИН.

ЁДЛАБ ОЛИНГ

ОЛАМ БОР, ЭМИШ, НАВОИЙ, ШУР АНГИЗ,
ОЛАМ ДОҒИ ЭЛ БОШТИН-АЕҒ РАНГ ОМИЗ.
ИШҚ ИСТАР ЭМИШ СЕНИ АДАМ МИСРИ САРИ
БОРҒИЛКИ, ЭРУР ЭЛ ТИЛАГАН ЕРДА АЗИЗ.

СССР Олий Кенгаши раёсати мажлиси

7 февраль куни Кремлда А. И. Лукьянов раислигида СССР Олий Кенгаши раёсатининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда 50 ва 100 сўмлик пулларни алмаштиришга оид ишларнинг дастлабки якунлари тўғрисида, шунингдек истеъмол бозорини барқарорлаштириш ҳамда СССР халқ депутатлари съездларинийг ва СССР Олий Кенгашининг қарорларига мувофиқ нарх снёсатини ўтказиш юзасидан ҳукумат белгилаётган келгусидаги тадбирлар тўғрисида СССР бош вазири В. С. Павловнинг ахбороти тингланди. Раёсат Вазирлар маҳкамаси тақдим этган таклифларни қўллаб-қувватлаб, амалга оширилаётган тадбирларни товон тўлаш чоралари ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш билан мустаҳкамланган ҳолда ушбу масалалар барча иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар томонидан бир вақтда ҳал этилиши зарурлигини таъкидлади.

Халқаро ишлар комитетининг раиси А. С. Дзасоховнинг ахбороти асосида СССР Олий Кенгашининг 1991 йилга мўлжалланган халқаро алоқалар режаси кўриб чиқилди ва маъқулланди.

СССР Олий Кенгашининг комитетлари ва унинг палаталари комиссиялари таклиф этган ва СССР Олий Кенгашининг бўлажак сессиясида кўриб чиқиш учун топширилган масалалар рўйхати маъқулланди. Ушбу масалалар иқтисодий ислоҳот ўтказиш, жамиятни ижтимоий ривожлантириш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга оид кўпдан-кўп муаммоларни ўз ичига олади.

ССР Иттифоқининг тақдири тўғрисида 1991 йил 17 март куни референдум ўтказишга қандай тайёргарлик кўрилаётгани муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан СССР референдуми марказий комиссиясининг раиси В. П. Орловнинг ахбороти тингланди. Раёсат умумиттифоқ референдуми тўғрисидаги қонун талаблари ва унда кўзда тутилган ҳар бир совет фуқароси ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаши кафолатлари бутун мамлакат ҳудудида қатъиян бажарилишини таъминлаш зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Мажлисда давлат турмушига доир баъзи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ТАСС).

Янги марказ

ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академиясининг тупроқшунослик ва агрохимия илмий-тадқиқот институти қошида Совет Иттифоқида ягона аналитик марказ иш бошлади.

МАРКАЗ тупроқ, сув, ўсимликлар, тоғ жинслари таркибидаги микро ва макро моддалар миқдорини аниқ белгилашга кўмаклашадиган электрон асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Компьютерлаштирилган дастгоҳлар ўзи бажарган топшириқ натижаларини экранда кўрсатибгина қолмай, қатто қоғозга туширади.

Ўрта Осиё жумҳуриятлари ҳудудларидаги тупроқ, сув, ўсимлик, тоғ жинслари текширилиб, уларнинг кимёвий, физик, биологик хоссаларини ўрганиш режалаштирилаяпти. Бундан ташқари ерларнинг қайси тузлар ҳисобига шўрланаётгани ёки экин майдонларида чиринди миқдорининг меъёри, ўсимлик ривожи учун зарур бўлган органик моддалар қанчалиги аниқланади. Мутахассислар шу хулосаларга асосланиб, ҳосилдорликка оид тадбирларни белгилайдилар.

И. ТОШЕВ.

СССР 60 йиллиги номли Косонсой шойи тўқиш фабрикаси директори, Ўзбекистон ССР халқ депутати Файзуллахон Акромов ўзининг ишбилармонлиги ва ташкилотчилиги билан кўпчиликнинг тилига тушган. У бошчилик қилаётган корхона йил сайни режаларни ортиғи билан бажармоқда. Косонсойлик шойи тўқувчилар ўтган йили 32 миллион 957 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, мўлжалдагидан 687 минг сўмлик кўп иш бажаришга эришдилар. Олинган фойда 5 миллион 20 минг сўмни ташкил этди. Бу маблағнинг бир қисми келгусидаги ишчиларнинг эҳтиёжларини қондириш, иш шароитларини янада яхшилашга сарфланади. Айни пайтда Ф. Акромов депутат сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда.

СУРАТДА: Ф. Акромов.

Тоҳир ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ДАСТУРИ

ОЛМАОТА. «Экология ҳалокати сабаблари айтиб ўтилди — эндиликда ночор денгизни қутқаришга қай тариқа кириш керакли маълум». Қозоғистон Фанлар академиясининг президенти У. Султонгазин бугун муҳокама учун тақдим қилинган Орол бўйидаги экологик, ижтимоий-иқтисодий вазиятни изга солиш ва Орол денгизини сақлаб қолиш дастурининг асосий қоидаларини ана шундай таърифлади. СССР Олий Кенгаши Экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комитетининг раиси Қ. Саликов, СССР Фанлар Академияси география институти директорининг ўринбосари Н. Глазовский мазкур муаммони ечиш соҳасида иш олиб бораётган мутахассисларнинг таклифларини тақдим этдилар.

Қозоғистон олимлари ва жамоатчилиги, Ўрта Осиё республикаларининг ишчи гуруҳлари ҳар томонлама муҳокама қилиш учун дастурнинг асосий қоидалари тақдим этилганини иттифоқ билан жумҳуриятлар ўртасидаги муносабатларда янгича фикрлашнинг намоён бўлиши деб баҳолаш мумкин.

Қ. Саликов узоқ муддатга мўлжалланган ягона лойиҳани шакллантиришга бундай ёндашувни асослаб, мустақиллик шароитида жумҳуриятлар экология муаммолари ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ечимини ўзлари ишлаб чиқишлари зарурлигини айтди. Барча манфаатдор томонларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириб турадиган жумҳуриятлараро комитет ташкил этиш зарур.

Бундай катта қўламдаги лойиҳаларни бутун иттифоқнинг куч-ғайрати билангина амалга ошириш мумкин. Зеро иттифоқ даражасида бундай ишлар тажрибаси мавжуд. Белоруссия, Украина ва Россия Федерациясининг Чернобиль АЭСидаги фалокатдан азият чеккан районлари учун дастурлар тузиш чоғида шундай тажриба орттирилган.

(ТАСС).

Жумҳурият Деҳқонлар уюшмаси кимнинг манфаатини ифодалайди? У меҳнаткашларнинг арз-доди етиб борадиган жойми ёки шунчаки тузилган идорами? Муштарийлардан таҳририятга келган шу каби сўровлар битилган мактублар асосида мухбиримиз мазкур уюшма раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. ИСМАТОВ билан суҳбатлашди.

ДЕҲҚОННИНГ ҒАМХЎРИ ВА КЎМАКДОШИ

— Маҳмуд Исматович, Ўзбекистон ССР Деҳқонлар уюшмасининг ташкил топганига олти ой бўлди. Бу муддат ташкилий даврдан амалий ишга ўтиш учун етарли, албатта. Уюшма деҳқонлар манфаатини кўзлаб қандай ишларни амалга оширди? Ҳозир кун тартибида турган муаммолар, уларни ҳал қилиш устидаги ҳаракатлар тўғрисида гапириб берсангиз?

— Ҳақиқатан ҳам ўтган ярим йил оз муддат эмас. Лекин уюшмамиз ҳали тўла шаклланиб улгура олгани йўқ. Шу давр мобайнида деҳқоннинг иқтисодий манфаатларини кўзлаб амалга оширган ишларимиз ҳали кам. Вироқ режалаштирган тадбирларимиз анча. Аввало рўёбга оширилган ишларга тўхталадиган бўлсак, жумҳуриятимизда деҳқончилик билан боғлиқ барча енгил автомашиналарнинг ҳар от кучи ҳисобига 50 тийиндан, юк автомашиналари ва ўзиюрар техника учун бир сўмдан давлатга солиқ тўланар эди. Йилига бир хўжаликнинг 10—12 минг сўм маблағи сарф бўлардн. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли хўжаликлар ва ташкилотлар бўйича бу 23 миллион 165 минг сўмни ташкил қиларди. Энг ачинарлиси — йиғилган ушбу маблағдан қишлоқ меҳнаткашларига бир сўм ҳам наф тегмасди. Ҳамма маблағ Иттифоқимизнинг Ноқоратупроқ зонасида йўл қурилишига ўтказилар эди.

— Ҳам ҳўрдадан, ҳам бурдадан, дегани шу эмасми?

— Асло айта кўрманг. Мана шу масалани ўрганиб, хўжаликлардан олинадиган бу солиқни бекор қилиш тўғрисидаги уюшма ҳайъати қарорини жумҳурият Вазирлар маҳкамасига киритдик ва Деҳқонлар уюшмасига аъзо бўлган хўжаликлар бу солиқдан озод қилиндилар.

Шунингдек, бизни ташвишга солаётган нарсалардан яна бири жумҳурият жамоа хўжаликлари рентабеллик даражасининг 1986—1989 йиллар мобайнида 27,2 фоиздан 26,5 фоизга камайиб кетганлигидир. Ҳозир рентабеллик даражаси 15 фоизгача бўлган 180 та, 20 фоизгача бўлган 250 та жамоа хўжалиги мавжуд. Бозор иқтисодиёти шароитида нафақат камқувватли, ҳатто юқори рентабелли хўжаликлар ҳам маданий-маиший муассасалар, мактаблар, болалар боғчалари қуришда иқтисодий қийин аҳволда қолади. Шунинг учун жамоа ва давлат хўжаликларида қурилаётган мактаблар, болалар боғчалари, маданий-маиший муассасаларни тегишли вазирликларнинг районлардаги ташкилотлари ҳисобига текинга ўтказиб бериш тўғрисидаги масалани ҳайъат мажлисида кўриб чиқиб, жумҳурият Вазирлар маҳкамасига киритдик.

Маълумки, иттифоқ Президентининг 1990 йил 25 октябрдаги фармонидан сўнг агросаноат таркибига кирувчи барча хўжалик, корхона ва ташкилотлар давлат банкида сақлаётган маблағлари учун 8 фоизгача устама ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Лекин бу фойда қишлоқ меҳнаткаши пешона тери эвазига олган даромадига шериклик авжига чиқиб кетди. Жумҳурият Молия вазирлиги Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши сессияси муҳокамасига киритиш учун жамоа ва давлат хўжаликларидан олинадиган солиқ лойиҳасини тайёрлади. Ушбу ҳужжатга кўра жамоа ва давлат хўжаликлари фойдадан тўлайдиган солиқ миқдори 1991 йилда 323 миллион сўмни ташкил этиши керак. Бу эса фойданинг 19 фоизига тенг бўлиб, 1990 йилда тўланган солиқдан 278 миллион сўмга кўпдир.

Ер бўйича тайёрланган лойиҳада хўжаликлар ва бошқа ташкилотлардан суғориладиган майдонларнинг ҳар гектари учун ўртача 90 сўм солиқ ундириш мўлжалланмоқда. Мабодо ерга тўланадиган солиқ лойиҳаси қабул қилинса, биргина Тошкент вилоятидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги 2.200 гектар суғориладиган ер майдони учун 1991 йилда 198 минг сўм солиқ тўлаши керак. Жумҳурият бўйича эса 357 миллион сўмни ташкил қилади. Хўш, деҳқонга нима қолаяпти? Бу тайёр ошга баковуллик эмасми? Мана шу масалаларни хўжаликлар фойдасига ҳал қилишдан ҳам долзарб масала бўлмаса керак.

— Бевосита деҳқончиликка оид оталиқ ёрдамингиз нималардан иборат?

— Уюшма атамаси деҳқон номи билан юритилишининг ўзи унинг ғам-ташвиши билан яшашимиз, оғирини енгил, мушкулини осон қилишимизни тақозо қилади. Бунинг кўп жиҳатдан маблагга боғлиқ томонлари ҳам бор. Жамғармамиз аъзолик бадаллари эвазига тўпланади. Уюшмага аъзолик ихтиёрий: кириш ва йиллик аъзолик бадали 6 сўм. Ҳозир сафимиз бир миллиондан ошди. Яқин орада улар 2 миллион кишига етишн кўзда тутилмоқда. Келажакда аъзолик бадаллари ҳисобидан вилоятларда деҳқончилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар, ғишт заводлари қуришни режалаштирганмиз.

Маълумки, уруғчилик деҳқонларимиз учун энг оғир муаммодир. Ана шу эҳтиёжни ҳисобга олиб, Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятининг «Элликқалъа» ишлаб чиқариш комбинати билан ҳамкорликда 250 тонна беда уруғини ўз нархида хўжаликларга сотишни ташкил қилаяпмиз. «Сортсемовощ» билан биргаликда сабзавот ва картошка уруғлари етказиб беришни изга соламиз.

— Маҳмуд Исматович, уюшманинг деҳқонлар манфаати йўлидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қила олиш имкониятларини қандай изоҳлайсиз? Таъсир доирасининг кучи нимада?

— Жавобни саволингизнинг иккинчи қисмидан бошлашни истардим. Чунки ҳаракат дастуримиз Ўзбекистон ССР Конституцияси ва совет қонунлари асосига қурилган, унинг таъсир кучини икки миллионли деҳқонлар жамоасининг иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда деб биламан. Жумҳуриятимиздаги 9 миллион қашшоқнинг кўп қисми қишлоқ аҳлидир. Ўтган давр мобайнида уларнинг нонини туя қилмаган ташкилот, муассаса, турлитуман корчалонлар оз бўлмади. Афсуски, бундай ҳоллар ҳозир ҳам камаймаяпти. Деҳқоннинг ҳақини айириб бериш, пешона тери эвазига олган даромадининг талонторож қилинишига йўл қўймаслик асосий вазифамиздир. Бундай хайрли иш олдида ҳар қандай нопоклик ва ноҳақлик барҳам топади, деб ўйлайман.

Ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қила олиш имкониятларига келганимизда, уюшма кенгашининг фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Кенгаш аъзоларига жумҳуриятимиздаги тажрибали хўжалик раҳбарлари, партия ходимлари, олимлар, Олий Кенгаш вакиллари ва айрим вазирлар сайланган.

— Уюшма фаолияти кўп қиррали. Табиийки, ушбу суҳбатимизда ҳаммасини қамраб олишнинг имкони йўқ. Халқимизда «Юз эшитгандан бир кўрган афзал» деган нақл бор. Шунга риоя қилсак-да, фаолиятингиз натижалари билан халққа танилсангиз. Ҳар ҳолда у аъзолик бадаллари йиғувчи яна бир нонҳўр ташкилот қаторига тушиб қолмаса керак.

— Кўнглингиз тўқ бўлсин...

Суҳбатдош:
Юсуфбек МУРОД,
«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси 1991 йил 14 февраль соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

МАТБУОТ ВА ҚОНУН

А. И. ЛУКЬЯНОВнинг «Халқ сўзи» мухбири билан суҳбати

СЪЕЗДНИНГ иккинчи кунида Ўзбекистон вакили А. Велиев қрим татар журналистлари номидан сўзлаб, бу тилда ёзувчи қаламкашлар ва умуман шу халққа ўз ватанига кўчиб келишига ёрдам бериш масаласини кўтариб, қуйидаги таклифни ўртага ташлади: «Симферополда қурилаётган 48 хонадонли уйнинг қад кўтариши учун Журналистлар уюшмаси маблағ ажратса ва бино тезда битса, биз Тошкентдан унга кўчиб ўтардик ва уйларимизни ўзбек ҳамкасбларимизга бўшатиб берардик».

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқарувининг раиси Л. Кабиров ўз нутқида жумладан шундай деди: «Съезд икки босқичдан иборат, деб эшитгандим. Яъни иккинчи босқичи март ойида ўтказилар экан. Менинг таклифим шуки, уни бир босқичда тугатиш керак. Ахир ҳар бир съездга озмунча маблағ сарфланадими?! Иккинчи босқич учун сарфланадиган маблағларни иложи бўлса районларда ишлаётган журналистлар аҳволини яхшилаш учун ажратишни илтимос қиламан».

Съездда Журналистлар уюшмаси қайси шаклда — федерация ёки конфедерация асосида ташкил топиши хусусида катта баҳс кетди ва пировардида делегатлар жуда кўпчилик овоз билан иккинчи таклифни маъқулладилар.

Съездда СССР Олий Кенгашининг раиси А. И. Лукьянов нутқ сўзлади. Мен танаффусда у билан учрашиб суҳбатлашдим.

— Анатолий Иванович, агар оғир ботса, кечирасиз, Сиз ҳойнаҳой кечаги танқиддан кейин съездга келган бўлсангиз керак.

— Гап шундаки, кеча эрталаб СССР Журналистлар уюшмаси раиси И. Зубков менга телефон қилиб, съездга ташриф буюришимни сўровди, розилик билдирдим. Михаил Сергеевич билан гаплашдим. У киши съездга бориб сўзласам, журналистлар олдида турган вазифалар ҳақида гапирсам, ёмон бўлмаслигини таъкидлади.

— Айтинг-чи, нега Михаил Сергеевич Горбачев съездга келиш у ёқда турсин, ҳатто икки эгилик табрик сўзи йўллашни ҳам раво кўрмади. Ахир, қайта қуриш бошланганидан буён журналистлар у кишига асосий суянчиқ бўлиб келишяпти-ку!

— Ҳозирги таҳликали ҳаётда унинг ташвишлари ниҳоятда кўп. Шунинг учун ҳам вақт тополмади. Табрик хати масаласига келсак, олдинига ёзди ҳам, лекин у аллақандай расмиятчилик бўлиб туюлди ва биз ундан воз кечдик.

— Нега Михаил Сергеевич матбуот ҳақидаги қонунни йўққа чиқармоқчи бўлаяпти!

— Бу нотўғри гап, ушбу қонун янада жиддийроқ ва чуқурроқ бўлиши учун Олий Кенгашда қайта кўрилаяпти. Уни бекор қилиш ёки вақтинча тўхтатиб туриш, яъни ошкораликка раҳна солишда Горбачевни айблашаяпти. Буни шахсан мен тўҳмат деб биламан. Қонун устида ҳозир Олий Кенгашдаги Ошкоралик комитети ҳам катта ишлар олиб бораяпти. Шундай қонун бизга керак ва у, ишончим комилки, Олий Кенгаш сессияларидан бирида янада тўлдирилади.

— Сизнинг бугунги журналистлар ҳақидаги фикрларингиз қандай!

— Биринчи навбатда етти ўлчаб бир кесадиган жиддий одамлар бўлишларини истайман. Танқид зарур, бироқ қатъий нуқтаи назар ҳам керак. Афсуски, айрим ҳамкасбларингиздаги шу хислат етишмайди. Улар кўпинча ҳис-ҳаяжонга берилиб ёзишади. Қаранг: сўнгги пайтларда Президентга ҳам қанчадан-қанча асоссиз ҳужумлар қилишди. Демократия, ошкоралик яхши. Аммо ҳамма нарсада меъёр бўлиши шарт.

— Александр Невзоровнинг Литва воқеолари хусусидаги фильм-репортажи Сизда қандай таассурот қолдирди!

— У воқеоларни бирёқлама тасвирлайди, холос. Шунинг учун ҳам биз Олий Кенгашда иккинчи томон, яъни литволиклар суратга олган фильмни ҳам кўрсатишга аҳд қилдик.

— Маълумки, Сиз «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномаларига яхши тилаклар билдирган эдингиз...

— Рўзномангиз яхши чиқиб турибдими?

— Ҳозирча ёмон эмас, таъмирланган бинога кўчиб ўтдик. «Халқ сўзи»нинг тиражи 100 мингдан ошди. Жамоамиз аъзолари ўз йўлларини топиш устида тинмай изланишяпти. Яна бир қувончли томони шундаки, биз муштарийларимиздан тинимсиз хатлар олиб турибмиз. Улардан айримларининг муаллифлари Аҳмаджон Одиловнинг тақдири билан ҳам қизиқмоқдалар. Сиз уни жиноятчи деб ҳисоблайсизми, умуман унинг иши хусусида нималарни айта оласиз!

— Кишининг жиноятчи ёки жиноятчи эмаслигини суд аниқлайди. Мен ҳали Одилов ҳақида бир нарса айтишим қийин, сабаби — унинг иши хусусидаги ҳужжатларни энди ўрганиб чиқамен, яқинда олиб келиб беришди.

— Марказий матбуот нашрлари бутун бошли бир халқни босмачи, ўғри деб айтгани ва «ўзбеклар иши» атамаси пайдо бўлгани учун жуда жиддий норозилик билдиргандик. Катта саъй-ҳаракатлардан сўнг ушбу атама сўнгги пайтларда рўзнома, ойномаларда кўринмай қолган эди. Аммо, ҳозир хотирамда йўқ, қайсидир рўзномада шу атамага яна кўзим тушиб қолди.

— «Ўзбеклар иши» йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир халқ ичида жиноятчилар бор, лекин жиноятчиликни бутун халқ бошига ағдариш инсофдан эмас.

Суҳбатни «Халқ сўзи»нинг махсус мухбири А. ЖУРАБОЕВ олиб борди.

* * *

7 февраль куни СССР Журналистларнинг VII съезди ўз ишини тугатди. Анжуманнинг сўнгги кунида уюшма раислигига сайлов ўтказилди. Бу лавозимга қозоғистонлик Мўрат Бормонқулов билан таниқли тележурналист Эдуард Сагалаев номзодлари кўрсатилди. Сайлов натижаларига кўра 520 овоз олган Эдуард Сагалаев СССР Журналистлар уюшмасининг раиси этиб сайланди.

Э. Сагалаев Самарқандда туғилиб ўсган. У Самарқанд дорилфунунини тугатиб, аввал вилоят радиосида, сўнгра «Ленинский путь» рўзномасида анча вақт ишлаган. Кейинчалик «Комсомолец Узбекистана» рўзномасининг масъул котиби бўлган. У ердан Москвага — ВЛКСМ Марказий Комитетига ишга ўтди. Бутуниттифоқ радиосида, Марказий телекўрсатувда ишлади. «Нигоҳ», «12-қават», «7 кун» каби давр талабига мос кўрсатувларнинг вужудга келишида СССР давлат мукофотининг соҳиби Эдуард Сагалаевнинг бевосита хизмати бор.

Биз янги раиснинг ишига омадлар тилаймиз ва келажакда у Журналистлар уюшмасида ҳам кескин бурилишлар ясайди, деб ўйлаймиз.

Рўзномамизнинг навбатдаги сонларидан бирида Э. Сагалаев билан суҳбатни эътиборингизга ҳавола қилиш ниятидамиз.

Эрмусеҳ шоҳ — агар огоҳсеҳ сеҳ,

НУКТАЛАР ВА НУҚТАЛАР

Алишер Навоийни ўқиб, унинг мисралари малоҳатига мубтало бўлмай илож йўқ. Киши унинг сўзи, сатри, байти ва ё фикрасидан ўзича нимани-дир янгидан туйганда, шу заҳоти буни кимгадир айтгиси келади. Ўша пайт айтсангиз — айтингиз, кейин...

Мутолаа жараёнида қўзғалган фикр-ўйларини кичик-кичик мақолалар тарзида эълон қилиб юрадиган марҳум Шарафиддин Шарипов бир куни қаттиқ ўкинди. Таниқли навоийшунослардан бири, ким билсин, пок ният биланми ёки нопок: «Сизнинг мақолачаларингиз китобларнинг ҳаволаларида — матн остида берса ҳам бўлаверадиган гапларга ўхшайди», — дебди. «Ахир, шу ҳаволаларга ҳам халқ муҳтож-ку. Ҳар қолда, мен шундай деб ўйлайман», — деганди ўшанда Шарафиддин ака. У кишининг гапини қувватлагандек бўлгандим. Лекин ҳар гал Навоийнинг у ё бу байти ҳақида бирор фикр уйғонса, ҳанчалик ёзгим келса ҳам, бояги — камситувчи баҳо қўлимни совутар эди: «Ҳаволаларда ҳам айтса бўладиган гап-ку!» — дейишса-чи?!»

Бугун кўпчилик Навоийни шу пайтгача нотўғри талқин қилиб келганимизни айтиб юрибди. Айбнинг каттаси — улуғ шоир сатрлари синчиклаб ўрганилмаганида, майда-чуйдадек туюлган ана ўша «ҳаволабоп» фикрларни «матн остиига қолдириб, ўрта йўллардан солиб кетганимизда.

Эски тилимизда «нукта» деган гўзал сўз бор. Марҳум нуктадонларимиз — Порсохон Шамсиев билан Собиржон Иброҳимов уни: «Нозик маъноли сўз, қизиқ, маъноси чуқур ва чиройли сўз» («Навоий асарлари луғати». Тошкент, 1972, 471-бет), — деб изоҳлаганлар. Навоий ишлатган сўзлар сўз эмас, ҳаммаси — нукта! Доҳий шоирнинг нуктаҳлари ва нуқталарини тўғри англамай туриб, унинг мақсадию ғояларини тушуниш, бу сирли ижоднинг моҳиятига етиш жуда қийин. Бизда эса «нукта» деб ёзсангиз, гўё «хато»нгизни «тузатиб», «нуқта» қилиб қўйишади...

Бобокалонимиз яратмишлари аро жо бўлган ана шу нукталару нуқталар аниқлашиб, уйғун бир йўл ҳосил қилса, бу йўл бизни Навоийнинг сирлари хазинаси сари етакласа, не ажаб! Ахир, бу мерос шундай зўр сарватки, «Лайли ва Мажнун»да сўзни таърифлаб келган мана бу фикрни Навоийнинг ўзларига айтса, жуда мос тушади:

Айтиб совумас таронасен сен,
Олиб қурумас хизонасен сен!

Улуғ шоиримизнинг пирлари — Абдураҳмон Жомий таърифларида битилган «Хамсат ул-мутаҳаййирин» («Беш ҳайрат») рисолаларидаги бу ҳазрати шайх ёзган асарлар рўйхатига бир назар ташлайлик:

«яна: ҳазрати Мавлонойи Румий «Маснавий»-сидин икки байтиға (!) шарҳ битилган рисола...

яна: Ибн Форизнинг «Тоия» абётидин баъзиға (!) шарҳ битилған рисола...

яна: Амир Хусрав Деҳлавий байтиға (!) шарҳ битилған рисола...

яна: Ибн Заррин ил-Уқайлий ҳадисиға (!) шарҳ битилған рисола». Бир, икки ёҳуд бир нечагина байт ва ё яккагина ҳадисга биттадан махсус рисола бағишланибди! Қани энди, Навоийнинг ҳар байтию ҳар фикраси шарҳига бир рисола, ақалли, биттадан мақола битилса!..

Ҳозир замон бошқа-да, дерсиз. Лекин академик М. П. Алексеев А. С. Пушкиннинг биргина «Ҳайкал» шеърини таҳлил қилиб, ёстиқдай китоб ёзган-ку. Бу жиҳатдан биз жуда-жуда орқадамиз.

Навоий мисраларининг ботиний маъноларигача тушуниш ва тушунтиришга энди-энди киришилди, деса бўлар. Кўпинча шоир «Али» деган бўлса, «Вали деган» деб кетаверганмиз. Чунки, «Тарихи мулуки Ажам» («Араб бўлмаган мамлакатлар подшоҳлари тарихи») асарида айтилганидек, киши нукталарни мужмал англаса, уни тўғри шарҳлай олмайди:

Киши нуктани қилса мужмал аён,
Яқинким, анинг шарҳи топмас баён.

Майли, бунинг исботига ҳам гал келар. Гапни мухтасар қилиб, энди шамс ул-миллат — миллатимиз қуёши бобокалонимизнинг айрим нукталари ва нуқталари шарҳига ўтсак...

«ХАМСА»НИНГ

«ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР»ДАН:

Бўлмаса ишқ — икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.

* * *

Ҳар кишиким, ростни бехост* дер,
Айтса ёлғон доғи* эл рост дер.

* * *

Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки, бу нафъ ўзунга қўпрак дурур.

* * *

Ҳам сўз ила элга ўлумдин нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан ҳаёт.

* * *

Мўр* терар ҳарнеки, сочқай киши,
Бўлди тирик гўрга кирмак иши.

* * *

Шод ани бил даҳрда* ким ғам емас,
Даҳр иши чун ғам егали арзимас.

* * *

Ҳар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл,
Балки анга ҳуш ила ҳамроҳ бўл.

* * *

Яхшилик ар* айламасанг иш чоғи,
Айламагил борн-ёмонлиқ доғи.

* * *

Қилма улус ирзу иёлиға* қасд,
Айлама эл жонию молиға қасд.

* * *

«ФАРҲОД ВА ШИРИН»ДАН:

Нечук билмай дегай сўз аҳли ҳикмат*,
Хусусан, сўрса они аҳли давлат.

* * *

Керак ишқ аҳли қул бўлмоқ бу сўзга:
«Ки шаҳлиқ ўзгадур, ошиқлиқ ўзга».

* * *

Жаҳондин кўрки кимлар ком* олибдур,
Бу эски дайр кимлардин қолибдур.

* * *

Бу сўзни аҳли ҳикмат деб дурур хўб:
«Ёмондин оз беҳким*, яхшидин кўп».

* * *

«ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН»ДАН:

Ёраб, эшигингда ул гадомен,
Ким боштин-аёққача хатомен.

* * *

Беншқ улусқа ком уйқу,
Ишқ аҳлиғадур ҳаром уйқу.

* * *

Тадриж* ила тифл* ўлур хирадманд*,
Сокинлиқ ила қамиш бўлур қанд.

* * *

Юз йил киши умр тилар, бил,
Ким сабр керакдур анга юз йил.

* * *

Дад* ҳар сори кетса кетмак ўлмас,
Насносни* одам этмак ўлмас.

* * *

Гул борса, чаманға бўлмасун дард,
Кун ботса, фалакка етмасун гард.

* * *

Маъшуқ чу дардиок бўлди,
Ошиқни не де ҳалок бўлди.

* * *

Бедодға* борса халқ молин,
Маҳшар* куни шаҳғадур саволи.

* * *

«СИТОРАЙИ МОҲИ ХОССА» ХОСИЯТИ

Кимки ўзбагу тожик то йигирманчи аср бошларигача қадим меъморчилик анъаналарини сақлай олгани, бу даврга келиб энди ҳатто Ғарб меъморчилигининг энг яхши жиҳатлари ҳам усталик билан ўзлаштирилиб, кўҳна санъатимизда ажиб бир уйғунлик намоён бўла бошлаганини ўз кўзларим билан кўраман деса, Бухоройи шерифга борсин, сўнгги амир Олимхон замонасида ниқоясига етказилган «Ситораи моҳи хосса»ни томоша қилсин. «Ситора — юлдуз, «моҳ»— ой дегани. Амирнинг ёзги саройи «Бир-бирига яқин юлдузу ой» деб аталган. Бир-бирига яқин юлдузу ой эса исломнинг рамзи ҳисобланади.

...Катта дарвозадан кириб, ташқари ҳовлини кесиб ўтганингиздан кейин ичкарининг дарозахонасида музей ходими қарши олади-ю, сизни ўнг қўлингиздаги узун пешайвон бўйлаб бириданбирига ўтиладиган ичма-ич хоналар сари етаклайди.

Инсон қўли билан бунёд этилган бу мўъжиз иморатнинг ҳар бир нуқтасию ранго-ранг бўёқлари лол қолдириб, оний лаҳзаларда сизни оламолам хаёллар оғушига олади. Фикрингиздан нимаики кечмасин, чирмовиқ иплар билан бари ўтмишга — шуничаки кечмишга эмас, миллатимиз тарихига бориб боғланаверади. Ганжкори деворлару гулкори равоқлару ўймакори токчалар акс садо бериб, қадим аждодларимиз кўнгиллари нозик торларининг жаранги бўлиб бизгача етиб келган Бухоро «Шаш мақом»ининг оҳангларини — мунглию фараҳбахш нолаларини куйлаётгандек...

Ўзбекки бор, умрда камдан-кам бўладиган бундай мутаассир сонияларда Мир Алишер Навоий ҳазратларини эсламаслиги мумкин эмас!

Аввал бу улуғ инсоннинг илиқ нафасларини туясиз. Кейин шу баланд, шу сокин хоналарнинг бирида даҳонинг ўзлари сизга пешвоз чиқадигандек бўлиб туюлаверади. Ҳарчанд уринманг, бу туйғу чулғовидан қутулолмайсиз...

Лекин ҳар кимнинг ўз Навоийси бор. Бироғга у шоир замондоши — Маҳмуд Музаффиб тасвиридагидек ҳассага суяниб, кимгадир В. Кайдалов мўйқаламидан чиққан суратдагидек, қай бир одамга Олим Хўжаев сиймосида, ўзгага Раззоқ Ҳамроев қиёфасида, яна бир кишига Ёқуб Аҳмедовга ўхшаб намоён бўлади. Сизинг Навоийингиз эса тамом бошқача — у буларнинг биронтасига эмас, фақат аа фақат шоирнинг ўзигагина ўхшайди!

Хонадан хонага жонсарак бир ҳаяжон билан қадам қўяр экансиз, ҳар сафар, ана, ҳозир Навоийни кўраман, деб ўйлайверасиз. Хоналар тугай борган сари бу туйғу армонли бир интизорликка айланади. Ҳолатингиз тағйир топади. Рангу рўйингиз ўзгариб кетгандек, ҳамма сизга қараётгандек бўлаверади. Ўзингизни қўлга олиб, шерикларингизнинг бирин-кетин ўзларини янги қадам қўйилган кенг меҳмонхона эшигининг ёнгинасида — ўнг қўлингиздаги тошойнага солиб кўраётганларига кўзингиз тушади. Навбат сизга етганда...

Худди рентген хоначасига киргандек, уйчага ўхшаш тошойна ичига кирасиз. Уч ёнингиз кўзгу. Ҳар бири сизни ўнлаб, борингки, юзлаб нусхада кўрсатади. Қаён боқманг, фақат аа фақат ўзингизга кўзингиз тушади. Шунда, гарчи Навоийнинг ўзларини кўрмаган бўлсангиз ҳам, хаёлан у кишининг овозларини эшитасиз. Ҳазрат сизга сўнгги достонлари — «Лисон ут-тайр»даги энг муҳим байтлар — ўттиз қушнинг Симурғни топганлари, ўзлари Симурғ, яъни «си» — ўттиз, «мурғ» — қуш бўлгаилари, шу тариқа орзуларига етганлари ҳақидаги мисраларни айтаётгандек бўлади:

Кўрдилар ўзин қаёнким тушти кўз,
Оллоҳ-оллоҳ, на ажойибдур бу сўз!
Ким қилиб Симурғ ўттуз қуш ҳавас,
Ўзларин кўрдилар ул си мурғу бас.

Авволлари бу байтларда чизилган ҳолатни ўзингизча тасаввур киларингиз, холос. «Ситорайи моҳи хосса» тошойнаси ичида эса шу ҳолатни кўзингиз билан кўрасиз. Демак, қушлар ҳам оллоҳ даргоҳига яқинлашганларида худди шунга ўхшаш вазиятга тушганлар...

Ана шу хаёл оғушида сўнгги хона — ёзги айвонга ўтганингизни ҳам сезмай қоласиз. Аммо бу ерда бошқача манзара юз беради: меҳмонхона ичра ҳамма ёқда қизил, сариқ, яшил... ранглар жилоланади. Нима гап ўзи? Яна гўё бояги таниш овозни эшитасиз:

Шишадек кўнглумдадур гулзори ҳуснунг
ёдидин,
Тобдоннинг аксидек алвон қизил, сориғ, яшил.

Бобокалонимизнинг «Қизил, сориғ, яшил» радифли ғазалларидаги ана шу тасвирни ҳар қанча тасаввур қилсангиз ҳам, эҳтимолки, «Ситорайи моҳи хосса»дан бошқа бирор ерда бунчалар аниқ кўриб турмассиз. «Тоб» — нур, ранглар ҳақида «тоаланади» дейишимиз ҳам шундан. «Тобдон» (нашрлардагидек: «тобадон» эмас!) эса эшикнинг тепасида бўладиган ойнабанд туйнуклар. Шарқ иссиқ ўлка бўлганидан қадимгилар ўша туйнукларга қизил, сариқ, яшил... рангли шишалардан кўз қўйганлар, рангсиз шиша уйни ёритиб юбориши мумкин-да. «Шиша» деганда ҳозир кўпчилик фақат «шиша идиш»ни тушуниб қолган. Ҳолбуки, деразанинг кўзи ҳам шиша. Уни «ойна» дейиш расм бўлди. Аслида, «ойна» кўзгуни билдиради. «Ситорайи моҳи хосса» айвонининг тепа қисмидаги кўзларга ҳам қизил, сариқ, яшил... шишалар қўйилган. Уйга қуёш нури қизил, сариқ, яшил... бўлиб ўтади. Сиз алвон, яъни ранг-баранг нурлар оғушида қоласиз. Навоий ҳам қай бир меҳмонхонада ана шундай ранго-ранг нурлар оғушида қолган бўлсалар керакки, шу байт, борингки, шу гўзал ғазал битилган...

Дарвоқе, бу ғазалга Жамол Камол, Жуманиёз Жабборов мухаммас боғлаган.

...«Ситорайи моҳи хосса»дан чиқаётганда кун тушдан оққан, Бухоронинг иссиқ қуёши кўзларингизни элтаётган бўлади. Ўзингизни, худди «Иван Васильевич касбини ўзгартиради» кинофильми қаҳрамонларига ўхшаб, тарих қаъридан бугунги оламга қайтиб келаётгандек сезиб, ғалати бир ҳаяжон босади. Шунда... йўлакларни супураётган фаррош хотинга кўзингиз тушиб, бенхтнёр Людмила Григорьевна Салдадзени эслайсиз. Абу Али ибн Синога «ошиқи беқарор» бўлган бу гуржи аёли буюк юртдошимиз ҳақида китоб ёзиш учун Бухорога кўчиб келиб, фаррош бўлиб ишга киргининг сабабини энди англагандек бўласиз: ўтмиш кишиларини тушуниш учун улар яшаган замондан сўзлаб турувчи иморатлар керак! Чунки миллат маданияти — бир бутун вужуд. У хоҳ тил бўлсин, хоҳики адабиёт, хоҳ куй бўлсин, хоҳики иморат — ҳаммаси шу халқ тафаккурининг рангин дунёга кўшган мисли йўқ ҳиссаси бўлиб яралган. Ана шу маданият коргоҳининг биргина ғишти кўчса ҳам, дунё кемтик бўлиб қолади, ахир!

Қани энди, устингиздан кулмасалар-у: «Эх юртдошлар, буни биз қачон тушунамиз?!» — деб ҳайқирсангиз-да, бир хумордан чиқсангиз. Э, бари бир, бу гапни айтганингиз билан, анави — сайёҳлару ҳамшаҳарларига гўшт ўрнига ҳам пиёз қўшилган сомсасини завқ-шавқ билан пуллаётган бўзбола, шеркелбат йигитинг хиртига ҳам келмайди. Шу жазирама иссиқда даласида юзини асли оқу, офтоб тиғидан сарғайиб кетган рўмолларга ўраб олган қиз-жувонлар, бетлари қорайиб, ажин босиб улгурган деҳқонлару заводфабрикаларнинг оловдек темир ускуналарига кўкракларини бериб ишлаётган заҳматкашлар бу гапларингизни жон деб эшитар-а, лекин уларга маърифат деб ўйлаганингиз бундай ёғдуларни ким етказади ва қачон?

«Ситорайи моҳи хосса» бўлмаса-ку, Навоийнинг қай бир сатрини тушунмасмиз. Аммо Навоий асарлари бўлмаса, «Ситорайи моҳи хосса»нинг хосиятини англармикинмиз?

Бобо-бибиларимиз бизга мерос қилиб қолдирган бу буюк маданият обидаларида яширин тилсимлар сирини очишга бутун бир халқнинг умри етармикин?!

«...СУВ БИЛА ЮТСА БЎЛУР»

Йиллар ўтар, асрлар кечар, Навоийнинг барча асарлари каби, туркий тилда битилган илк тазкира — «Мажолис ун-нафоис»нинг мажлислари нафисликларию муаллиф амал қилган табъий-илмий ақидалар сирру синоатлари яна неча-неча авлодлар нуктадонларини ўзига жалб этаверади. Тасаввур қилиб кўринг: не-не улуғ шоирлар ҳақида ҳам уч-тўрт оғиз сўзу унинг бутун ижодидан биргина ё, нари борса, иккигина байт намуна келтириш. Бунда шунчаки номуҳимдан муҳимни ажратиш эмас, муҳимлар ичра энг муҳимни топиб айтиш керак. Навоий бунинг уддасидан чиқишнинг олий намунасини кўрсатган.

Мана, Навоийдан бурунги атоқли ўзбек шоирларидан бири — Мавлоно Атойи ҳақидаги бор-йўқ маълумот:

«Мавлоно Атойи — Балхда бўлур эрди. Исмоил ота фарзандларидиндур, дарвешваш ва хушхулқ, мунбасит (яъни хушчақчақ) киши эрди. Туркигўй эрди. Ўз замонида шеъри атрок (яъни турклар) орасида кўп шуҳрат тутти. Бу матлаъ анингдурким:

Ул санамким су қироғинда паридек ўлтурур,
Ғояти нозуклугидин су била ютса бўлур.

Қофиясида айбғинаси бор. Аммо Мавлоно кўп туркона айтур эрди. Қофия эҳтиётига муқайяд эмас эрди.

Қабри Балх навоҳисидадур».

Хўш, нега Навоий Атойининг 260, балки ундан ҳам кўпроқ ғазали ичидан айнан ана шу «қофиясида айбғинаси бор» байтни танлади? Ахир, тазкирада шоирнинг беайб байти келмасми эди? Бунда Навоий бир ўқ билан икки қуённи урган. Аввало, бу — гўзал байт. Иккигина мисрада шоир кўз олдингизда сув бўйида паридек ўтирган бирам нозик санам суратини чизади, «ғояти нозуклигидин су била ютса бўлур» деган нафис тасвирни яратиш эса фақат Атойигагина насиб этган ижодий бахт. Бу шу қадар зўр бадиий топилдиқ байтки, Атойи шу сатрлардан бўлак ҳеч нарса ёзмаганида ҳам адабиётимиз тарихида абадий қолар эди. Шу билан бирга, тазкиранавис бу шоирнинг «қофия эҳтиётига муқайяд эмас»лиги, яъни қофияларни пишитиш учун кўп ҳам бош қотириб ўтирмаслигини кўрсатган.

Навоий «Мажолис ун-нафоис»ни битаётганда шуурнга кучли таъсир қилиб, ёдида қаттиқ ўрнашиб қолган байтларни кўпроқ эслаган бўлса керакки, қуввайи ҳофизага ишониб келтирилган мисолда нимадир ўзгариши, қай бир сўз бошқа маънодоши билан алмаштирилиши эҳтимоли йўқ эмас. Бундай дейилишига сабаб шуки, Атойининг ҳозирча бизга маълум яккаю ягона девонида байтнинг «қироғинда» сўзи «яқосинда» бўлиб келган. Албатта, тазкиранавис бошқа бир қўлёзмага таянган бўлиши ҳам мумкин. Лекин Навоий бу қўшмисрани ёд билганини тасдиқловчи бошқа бир далил ҳам бор-да.

Мазкур сатрлар муаллифининг «Бўйи бирла санъати эришган жамики бойликлардан баҳра олиш хусусияти бўртиб туради.

Навоий ўзигача бўлган шоирларнинг энг зўр байтларини ёд билган, дейилди. Атойи байтининг «Мажолис ун-нафоис»га ўтиши маъносида бу жуда тўғри. Лекин энди «Лисон ут-тайр»да бу ифода таъсирида байт яратилиши қандай юз берди экин?

Маълумки, «Мажолис ун-нафоис» 1491 йили ёзилган эди. Лекин шоир умрининг охирроғида, яъни 1498—99 йили тазкирани бир бошдан қайта таҳрир қилиб чиқади. Худди шу йили «Лисон ут-тайр»ни ҳам ёзиб тугатади. Ким биладн дейсиз, эҳтимол, Навоий ана шу қайта таҳрир жараёнида Атойи байтидан илҳом олгандир.

«Бир жамоати хўб таърифи...»

Ростини айтинг, «Фарҳод ва Ширин»ни ўқиганмисиз? Жаҳлингиз чиқдими? Ахир, шундай буюк достонни ўқимай туриб, мен қандай қилиб мактабда, борингки, олий ўқув юртига кириш имтиҳонларида «Фарҳод ва Ширин»дан иншо ёзаман?! — дейсизми? Яшанг, раҳмат. Лекин сиз шундай дейсиз. Мен эса...

Мен «Фарҳод ва Ширин»ни ўқиш у ёқда турсин, шу китобни, лоақал, бир мартагина қўлига ушлаб кўрмай, олий даргоҳдан адабиёт муаллими бўлиб чиқаётган юзлаб талабаларни биламан. Лекин, негадир, уларнинг тили қисиқ эмас: сиз билан гаров ўйнайман, бизга Навоий ижодини ўтадиган домлаларнинг айримлари ҳам достоннинг ўзини ўқимаган, деб қолади бир хиллари қўрқмасдан. Гаров ўйнай олмайсиз...

Начора! Миллатнинг бундай маънан ночор ҳолга тушиб қолишида бир-икки кишигина айбдор эмас. Шунга қувонайликки, шоир таваллудининг 550 йиллиги миллат қайта уйғонаётган паллага тўғри келди. Халқ Навоийни ўқишга киришди. Агар навоийшунослигимиз омманн ёппасига унинг асарларини мутолаа қилишга ундай олса ҳам, ўз зиммасидаги буюк вазифани уддалаган бўлади. Келинг, Навоийни ўқийлик!

«Фарҳод ва Ширин»ни ўқий бошласангиз, бадииятан ўта баркамол байтлардан жуда мутаассир бўлиб, уларни ёдлаб олганингизни билмай қоласиз. Мана бу байт ҳам шундай:

Жабинлар гул-гул-у, кирпиклари хор,
Қабоғлар кенг-кенг-у, оғизлари тор,

Бундаги «жабин» ва «хор» сўзи бироз тушунарсиз туюлиши мумкин. Шундай пайтларда Ғафур Ғулом насрийлаштириб, Абдуқодир Ҳайитметов қайта таҳрир қилиб, нашр эттирган (1975) насрий баён ёрдамга келади: «Уларнинг ҳаммаларининг пешоналари (!) гул-гул ёнган, киприклари тикондай-тикондай (!), қовоқлари кенг-кенг, оғизлари эса тор-тор эди». Бу — Фарҳоднинг ойнайи Искандарийда кўргани бир тўп қиз — Ширининг дугоналари ҳақида айтилган.

«Муҳокамат ул-луғатайн»ни мутолаа қилаётиб, «Фарҳод ва Ширин»дагидек байтга дуч келамиз: «Ва хўбларнинг кўз ва қошлари орасинки, «қабоғ» дерлар, форсийда бу узанинг оти йўқтур. Маснавийда бир жамоати хўб таърифида мундоқ дейилибдуркин,

Б а й т:

Менгизлари гул-гул, мижалари хор,
Қабоғлари кенг-кенг, оғизлари тор».

Нима бўлди экин? Маснавийлиги — тўғри, «бир жамоати хўб», яъни бир тўп чиройлилар жамоаси ҳақида экани ҳам рост. Лекин вазн бошқа, ундан ташқари, форсий «жабинлар» ўрнига туркий «менгизлари», туркий «кирпиклари» ўрнига форсий «мижалари» ишлатилган.

Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн»ни ёзаётганда, ўзи яратган бояги байтни эслаган-у, лекин унинг қайси асарда ва айнаи қандай экانини унутиб, янгидан ижод қилиб юбордимикин? Чунки муаллифни бу ерда фақат «қабоғ» сўзи қизиқтирган-да. «Муҳокамат ул-луғатайн»да Навоий амал қилган бир қатъият шуки, форсийда йўқ, аммо туркийда бор сўзларга мисол сифатида келтирилган 16 байтдан биронтаснинг кимдан ё ўзининг қайси асаридан олганини айтмайди. Кўпи ўз байтлари, албатта.

Шундай пайтларда асарнинг жанрию вазни калит вазифасини ўтайди. Жанрини билдик — маснавий. Бу «жуфт қофияли», яъни иккала мисраси ҳам ўзаро оҳангдош сўзлар билан тугаган байт дегани. Достонлар маснавийда битилади. Навоийнинг олти достонидан ҳар бири, ўшангача бўлган анъаналарга мувофиқ равишда, алоҳида-алоҳида вазнда битилган. Юқоридаги — «Муҳокамат ул-луғатайн»да келтирилган байтнинг вазни эса ана шу олти достон ичидан фақат «Садди Искандарий»га мос тушади.

...Чин Ҳоқони Искандар билан урушсиз сулҳ тузганидан кейин жаҳонгирга, олам-олам молу дунё қатори, бири биридан гўзал минг каниз ҳам тортиқ қилади. «Муҳокамат ул-луғатайн»да тилга олинган «бир жамоати хўб» — шулар эди. Уларнинг:

Менгизлари гул-гул, мижалари хор,
Қабоғлари кенг-кенг, оғизлари тор!

Демак, Навоий бу байтни айнан ана шу достонидан олган. «Кирпиклари» сўзи «мижалари» билан ўзгартирилиши — вази талаби билан, дейлик. Лекин «жабинлар»ни ўзгартирмаса ҳам бўлар эди-ку. Гап шундаки, «Фарҳод ва Ширин»даги байт — Навоийнинг оҳорий бадиий топилмаси. Чунки у олдин ёзилган, сабаби — «Фарҳод ва Ширин» «Хамса»нинг иккинчи достони-да. Модомики, бешинчи достон — «Садди Искандарий»да бу бадиий топилдиқдан фойдаланиш нияти туғилган экан, энди у анъанага айланган, яъни сўз хазинасининг мулкига дахлдор бўлганлиги учун нимадир янгилик қўшиб ишлатишгина айб саналмаслиги мумкин. Кўринib турибдики, Навоий ўз ифодавий топилмаларини ўзи анъанага айлантирган. Лекин бунда анъана ва таждид (новаторлик) ақидаларига қатъий амал қилган.

Улуғ шоирнинг ўз бадиий «ихтиролари»га ўзи боз қайтиши — изчил тадқиқ этишга лойиқ ажиб бир ижодий ҳодиса. Менглай («жабин») ё юзнинг («менгиз») гул-гул-у, киприкларнинг тикандек экани, қабоқнинг кенг-кенглиги-ю, оғизнинг торлиги — ана шу ўзаро зид тушунчаларнинг гўзаллар чиройида уйғунлашуви қанчалар нафис тасвирни юзага келтирган. Навоийнинг ўзи ҳам бу тасвиридан кучли завқланган бўлса керакки, «Муҳокамат ул-луғатайн»ни ҳам қўшиб ҳисобласак, уч бор шу ифодани қайд этган.

Масаланинг муҳим томони шундаки, «Фарҳод ва Ширин»да бу байтда чизилган гўзалларни Фарҳод Хоқоннинг хазинасида яширин Ойнайи Чинда кўради. «Садди Искандарий»да эса у Чин Хоқонининг (диққат қилинг!) Искандарга пешкаш қилинган қизларини таърифлайди. Лекин худди шу бобда ҳикоя қилинишича, Хоқони Чин Искандарга ҳадя этган нарсалар ичида «бўлажаб туҳфа ҳам» бор:

Ки они фалак меҳр ойин дебон,
Вале халқ Ойинайи Чин дебон.

Гарчи бу икки достонда алоҳида-алоҳида тилга олинган миръот, яъни кўзгуларнинг иккаласи ҳам «Ойнайи Чин» дейилган бўлса-да, улар бошқа-бошқа ойналар. «Садди Искандарий»дагини Хоқон Искандарга совға қилади. «Фарҳод ва Ширин»даги миръотни эса Искандар «ҳар бири Афлотунга ҳамаҳд тўрт юз доно билан жаҳд» айлаб, «неча йил ранж тортиб» ясаган. Лекин қизиқ савол туғилади: нега Искандар ясаттирган бу ойнайи жаҳоннамо Юнон мамлакатида эмас, Хитой Хоқони хазинасидаги сандиқда қолди экан? Илм ҳали бу ва шунга ўхшаш сон минг саволга жавоб берар. Аммо, ҳозирча шуни қатъий айтиш керакки, Навоий асарлари аро шу қадар ўзаро узвий алоқадорлик борки, уларни ўрганиш учун фанда бадиийятни қиёсан тадқиқ этувчи махсус соҳалару йўналишлар пайдо бўлса ажаб эмас.

Гап шундаки, бояги бир-бирига ўхшаш байтлар «Фарҳод ва Ширин»нинг Искандар билан, «Садди Искандарий»нинг эса Чин Хоқони билан (ахир, Фарҳод Чин Хоқонининг ўғли-ку!) бевосита боғлиқ бобларида келган. Иккала бобда ҳам Ойнайи чиний тасвири берилгани эса янада бўлажаброк. Валлоҳи аълам — яна худо билимдонроқ, лекин шундай тахмин қилиш мумкинки, Навоий «Садди Искандарий»нинг Ойнайи чиний ҳақидаги бобини ёзишдан олдин «Фарҳод ва Ширин»нинг Ойнайи Искандарий ҳақидаги бобларини бир қайта ўқиб чиққан, ана шунда «бир жамоати хўб» ҳақидаги байтни ҳам янгича оҳангда ишлатиб юбориш иштиёқи туғилган бўлса ҳам бордир...

Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган тадбирлар жумҳуриятимизда қизғин давом этмоқда. Аҳоли ўртасида, завод ва фабрикалар, турли ташкилотлар, мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртларида улуғ шоир ҳаёти, унинг ўзбек адабиёти, адабий тили, маданияти тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида маърузалар, суҳбатлар уюштирилмоқда. 14—15 февраль кунлари эса илмгоҳда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб илмий-назарий конференция ўтказиш режалаштирилган.

СУРАТДА илмгоҳ ўзбек адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари номзоди Салоҳиддин Жамолов талабалар билан навбатдаги навоийхонликни янада қизиқарли ва сермазмун ўтказиш ҳақида фикр билдираётгани акс этган.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ суратга олган.

Агар огоҳсеҗ сеҗ + шоҳсеҗ сеҗ

ДУРДОНА БАЙТЛАРИ

«САБЪАЙИ САЙЁР»ДАН:

Ўнгда туркинавоз* уруб дастон,
Қўзғолиб ҳар навода Туркистон.

* * *

Ҳар не ул бузди, бу борин тузди,
Бу борин тузди, ҳар не ул бузди.

* * *

Бир деганни ики демак х(в)аш эмас,
Сўз чу такрор топти — дилкаш эмас.

* * *

Тахт чун бўлди шоҳдин холи,
Фитнадин холи ўлмас эл ҳолн.

* * *

Хушдурур боғи коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.

* * *

Сен агар зоҳир эттинг* итликни,
Мен санга кўргузай йигитликни.

* * *

«Ҳар кишиким бировга қозғой чоҳ,
Тушгай ул чоҳ аро ўзи ногоҳ».

* * *

Яхши гар бўлмаса, ёмон ҳам эмас,
Ёмонин, кимкн яхши бўлса, демас.

* * *

«САДДИ ИСКАНДАРИЙ»ДАН:

Не қушким, баланд ўлса парвоз анга,
Ҳалок истамас новакандоз* анга.

* * *

Качон қилсалар кин* икки нарра шер*,
Яқинким, бўлур навжувонроқ* далер*.

* * *

Не қилғоли кимгаки ниятдурур,
Бурун шарт анга қобилиятдурур.

* * *

Вале қайси дарё* яратмиш худо,
Ки ул бўлмади ўз дуридин жудо.

* * *

Навосиз улусинг навобахши бўл,
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.

* * *

Мен ар бўлсам-у, бўлмасам ошкор,
Бу сўзларни қўйдум санга ёдгор.

* * *

ЛУҒАТ

Бехост — беихтиёр. бу ерда «ҳамиша» маъносида.
Доғи — тагин; бу ерда «ҳам» маъносида.
Мўр — чумоли.
Даҳр — дунё.
Ар — агар.
Ирзу ийл — обрўли, хотин, бола-чақа.
Аҳли ҳикмат — ақлли, билимдон, донишманд кишилар.
Ком — баҳра.
Беҳ — яхши.
Тадриж — аста-секинли :, даражама-даража ўсиб бориш.
Тифл — ёш бола.
Хирадманд — ақлли, донишманд.
Дад — йиртқич, ёвойи ҳайвон.
Насос — маймун.
Бедод — жабр, зулм; адолатсизлик.
Маҳшар — «қиёмат» маъносида.
Туркинавоз — «туркий сўзлаб» маъносида.
Зоҳир эттинг — кўрсатдинг.
Новакандоз — ўқ отувчи, мерган, овчи.
Нарра шер — эркак шер.
Навжувон — ёш йигит.
Далер — шижоатли, жасур, ботир.
Дарё — денгиз.

ГУЛНИНГ ҲАМ КЎЗИ ТУШМАСИН!

«Ҳайрат ул-аброр»нинг адаб, тавозуъ ва ҳаё хусусидаги олтинчи мақолотига ҳаётий далил сифатида илова қилинган ҳикоятда адолатли шоҳ рамзи бўлмиш Анушервони одил ҳаётидан бир ибратли ривоят келтирилади.

Анушервоннинг бир гўзал қизга ишқи тушиб, охири бир чаманзорни хилват топиб, у билан суҳбат қурибди:

Бир чаман ичра тузубон хилвате,
Гулрух ила қилди аён суҳбате.

Шоҳ гулузор ёри сари майл қилибди, қиз ҳам бунга мойил бўлибди. Аммо бирдан шоҳ шаштидан қайтибди. Хўш, нега? Чунки:

Сунғоч илик дилбари мунис сори,
Тушти кўзи бир бута наргис сори.

Ана холос! Шоҳ қизга қўл чўзганда кўзи уларга одамнинг кўзидек боқиб турган гулга — наргисга тушибди. Қиз ошиғидаги бу ўзгаришдан ҳайрон бўлиб, ундан:

«Ким бу не қўл сунмоғу чекмак эди?» — деб аввал қўл чўзиб, кейин тортиб олмоқнинг сабабини сўрабди. Шоҳ эса:

«Ким бу висол ичраким воқиъ дурур,
Наргиси шаҳло кўзи мониъ дурур», —

деб жавоб берибди. Демак, висол чоғи агар биргина наргис гули қараб турган бўлса ҳам, ошиқу маъшуқлар ундан уялишлари керак экан. Анушервон ўша наргиснинг шаҳло кўзидан уялиш даражасида ҳаёли бўлгани учун бутун оламга подшоҳу унинг одиллиги ер юзига паноҳ бўлибди:

Жумлаи олам аро шоҳ айлади,
Адлини оламға паноҳ айлади.

Энди шоир ана шу қиссадан ҳисса чиқаради:

Айш, Навоий, неча дилкаш дурур,
Лек адаб бирла ҳаё хуш дурур.

Демак, айшу ишрат ҳар қанча кўнгилтортар бўлса ҳам, инсон учун адаб билан ҳаё бундан ҳам яхшироқ экан.

Мақсад Навоийни тушуниш бўлгани учун шу ҳикоят баҳонасида икки нарсани айтиб ўтиш керак. Биринчиси шуки, наргис — Шарқ классик адабиётида кўз рамзи. Албатта, бунда унинг кўзга ўхшашлигидан келиб чиқилган. Ҳозир бу сўз «наргиз» деб ҳам ишлатилади. «Наргиза» исми ҳам шундан. Эски тилимизда шу исм ҳам асли «Наргиса» бўлган. Иккинчи масала шуки, табъи нозик, нуктадоН ўқувчи сезган бўлса, Навоий қофия тарзида келтирган «дилкаш» ва «хуш» сўзлари ўзаро оҳангдош эмас. Хўш, нима гап: Навоий ҳазрат қофия тополмай қийналиб қолдиларми? Йўқ. «Хуш» сўзи араб ёзувида «хе», «вов» ва «шин» ҳарфлари билан ифодаланади. Лекин баъзан у, қофия талаби билан, «хаш» деб ўқилиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳозирги тожик матнчилигида бу сўз «хаш» ўқилиши керак бўлиб қолса, «х(в)аш» деб ёзиладики, китобхон унинг «хуш» сўзи эканидан хабар топади.

Хуллас, ота-боболаримиз, қадим аждодларимиз шарму ҳаёни шу қадар эъзозлаганларки, хилватталаб ишларга ҳатто гулнинг ҳам кўзи тушмасин, деб қараганлар. Ҳозир-чи? Бугунга келиб биз — Навоий авлодларидан айримларимиз эса бола-чақамиз ризқидан қирқиб бўлса ҳам, пул тўлаб, ойнайи жаҳоннамомизни ҳар хил видеотармоқларга улаб олиб, ўз уйимизда — ким билади, баъзан фарзандларимиз олдидами — яланғоч эркагу аёлларнинг шаҳвоний хатти-ҳаракатлари кўрсатиладиган киноларни томоша қилиб ўтирамиз...

ОТАСИГА ВАФО ҚИЛМАГАН ҚИЗ

«Тарихи мулуки Ажам», яъни «Араб бўлмаган мамлакатлар подшоҳлари тарихи» асарида ажиб бир ибратомуз ҳикоя келтирилади.

Тойир деган подшоҳнинг «назокату жамолда назири йўқ» бир қизи бор эди. Исми Малика эди. Шопури зул Актоф деган бошқа бир ёш подшоҳ Тойир устига юриб, унинг саройини қамал қилди. Шунда Малика нафақат отасининг, бутун мамлакатнинг душмани — Шопур билан тил боғлаб, босқинчиларнинг саройга киришига имкон яратиб берди. Шопур Тойирни ўлдириб, унинг қизи — Маликага уйланди.

«Дебтурларким, бир кеча Шопур тушакида Малика нола қилиб, уюй (ухлай) олмас эрди. Яхшилаб текшириб, кўрдиларки, тўшак остида бир муруд, яъни ношвоти барги қолган экан. Шунда «Шопур сўрдиким, ,сени не навъ тарбият қилибтурларким, мунча нозук бўлубсен?» Малика: «Менга отам фақат иликнинг устига новотни ун қилиб сепиб берар эди», — деб жавоб қайтарди. Бу гапни эшитган Шопур: «Андоқ парвариш берган отаға не вафо қилдингким, манга қилғайсен!» — деб, Маликага азоб-уқубатли ўлим жазосини буюрди.

Рост-да! Фақат ўз манфаатини деб, юртни душманга берган, илигу новот ,ни билан боққан отасини сотиб, унинг ўлимига сабаб бўлган қайси қиз эрига вафо қилибди дейсиз...

МАРТЕН БЕҲАЙММИ, БЕРУНИЙМИ ЁКИ МОНИЙ?

Навоий ижоди бутун инсоният тафаккури тараққиётининг XV асрнинг охиригача бўлган даврига ўзига хос бир якун ясади. Демак, ўзбекнинг ақли ўша даврда башарият эришган энг олий мақомда эди. Улуғ бобокалонимиз асарлари қатқатига кириб борганингиз сари бунга амин бўлаверасиз. Бу чексиз уммон тубидан сиз ҳеч кутмаганингиз дур, гавҳар, марварид ва инжу топаверасиз.

Ёзувчи Мамадали Маҳмудовнинг «Ўзлигингни унутма, элим!» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил, 1 июнь) деган мақоласида ер юзида биринчи глобусни европалик Мартен Беҳаймдан кўп эмас-оз эмас — 500 йил бурун ўзимизнинг улуғ бобомиз Абу Райҳон Беруний яратгани ҳақидаги сатрларни ўқиб, ҳазрат Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» («Араб бўлмаган мамлакатлар подшоҳлари тарихи») асаридаги бир муҳим маълумот ёдга тушди.

Навоий асарларида Моний деган исм кўп учрайди. Моний — Ироқнинг кўҳна шаҳарларидан бўлмиш Бобул, яъни Вавилонда туғилган, милодий 217—273 йилларда яшаган. Моний асли ким ва у нима карораматлар кўрсатган эди, улуғ шоиримиз уни қандай мақсадлар ва нима сабабларга кўра эслайди — бу алоҳида бир мақолага мавзу. Бу ерда шунигина айтиб ўтиш керакки, ана шу Моний Берунийдан ҳам етти аср, демак, Мартен Беҳаймдан 1 минг 200 йилча илгари Ер шари глобусини ясаган.

«Тарихи мулуки Ажам»нинг Шопури зул Актоф деган шоҳ ҳақидаги қисмида, жумладан, шундай сўзларни ўқиймиз: «Ва баъзи Моний мусаввирни бу Шопур замонида дебтурлар. ...Ва бу ҳамким, бир юмуртқача куррада (!) олам суратин тортиб ва жамиъ ақолим ва билод ва жибол ва биҳорни машруъ ясаб, кентлар ва рудхоналарғача кўргузиб эрди...». «Ақолим» — иқлимлар, яъни қитъалар, «билод» — мамлакатлар, «жибол» — тоғлар, «биҳор» — денгизлар, «кентлар» — шаҳарлар, «рудхоналар» — дарёю сойлар эканини инобатга олсак, Навоий «юмуртқача курра» деганда худди шу бизнинг замондагидек глобусни кўзда тутаётгани ойдинлашади. «Юмуртқа» — тухум дегани. Ҳозир ҳам Хоразм шевасида тухум «юмуртқа» дейилади. Ер шарини эса ҳозир ҳам «Ер курраси» деймиз.

Хуллас, Навоий ижоди дунёвий билимларимизни ҳам кенгайтиради, биз ундан шу билимлар тарихига оид талай маълумотлар ҳам топамиз.

РОСА БЕШ ЮЗ ЙИЛ БУРУИ— ШОИРИНИНГ ЭЛЛИК ЁШИДА БИТИЛГАН ҒАЗАЛ

То йигит эрдим, қариларга кўп эрди
ҳидматим*,
Қариғаи чоғда йигитларга оғирдур суҳбатим.
Не учун бўлдум кичик ёшлиғлар ичра
кўп сақил*,
Гарчи кўп зоҳирдурур сни касратидин*
ҳиффатим*.
Ваҳки, дамдин-дамғы мендин ёрларга
ижтиноб*,
Гарчи кундин-кунга ортуқдур аларга улфатим.
Ғар тааммул айласам* воқиъ,
муҳиддурлар* алар,
Не учунким ҳеч қолмайдур аларга нисбатим*.
Мушк* чун кофур* бўлди—ёғди ўт устига қор,
Хатти мушкин бирла ўтлуқ юзга нетсун
рағбатим!!
Боғ аро сарви сиҳи* ёнида кўрдум эски ток,
Бўлди туз бўйлуғлар* ичра ҳам* қадимдан
ибратим.
Эй кўнгул, тут ғўшае эмди ибодат қилғали,
Қолмоқ истар бўлсанг эллик йилғи бўлган
ҳурматим.
Чунки эллик манзил ўтти умрдин, сокин бўлай,
Не учунким эмди йўқ суръат қилурға қувватим.
Неттим эллик йилда жуз исёнки*,
эмди неткамен,
Ёна эллик йилғача туттумки, бўлса муҳлатим.
Лутф этиб, ё рабки, имон бойлиғи қилғил
насиб —
Ким, ҳалок этмиш амал муфлислиғидин*
ҳижлатим*.
Эй Навоий, ғам емаким, баҳри ғуфрон*
урса мавж,
Тенгри лутфидин на мумкин жуз умиди
раҳматим*.

Хидмат — хизмат; **сақил** — оғир, босиқ, вазмин; **син касрати** — ёши улуғлик маъносида; **хиффат** — енгиллик, енгилтаклик; **ижтиноб** — узоқлашиш; **тааммул айламоқ** — ўйлаб кўрмоқ; **муҳиқ** — ҳақ; **нисбат** — боғлиқлик; **мушк** — қора тусли хушбўй модда; **кофур** — оқ хушбўй модда (камфара); **мушк чун кофур бўлди** — соч оқарди маъносида; **сарви сиҳи** — тик ва баланд, чиройли ва ёш сарв дарахти; **туз бўйлуғлар** — тик қометлилар; **ҳам** — эгилган; **муз исён** — исёндан бошқа; **муфлислиқ** — ночорлик; **хижлат** — хижолатлик; бу мисрада шоир тоат-ибодат расм-русумларига амал қилишда баъзан имкон тополмаганининг хижолатини айтган; **баҳри ғуфрон** — гуноҳларни кечириш дарёси; **жуз умиди раҳмат** — (худонинг) марҳамати умидидан бошқа.



Алишер Навоийнинг 550 йиллигига бағишлаб «Ёш гвардия» нашриётн рус ва инглиз тилларида «Заргар Зайд ҳақида эртак» китобини чиқарди. Бу улуғ шоирнинг «Сабъайи сайёр» асаридан насрий таржима бўлиб, уни безатишда таниқли рассом Абдубоқи Ғуломов ўз маҳоратини намоён қилган.

СУРАТДА: рассом А. Ғуломов китобга ишлаган шарқона расмлар туркумини кўриб турибсиз.

С. МАҲКАМОВ суратга олган.

«САБЪАЙИ САЙЁР»ДА ҲАФТА КУНЛАРИ ТАЛҚИНИ

«Сабъайи сайёр»нинг охирги бобида Навоий китобхонларга мурожаат қилиб, «ўқур элга насойиқи санойи ўқумоқ»ка ҳам машғул бўладилар. Шунда ул ҳазрат ниманинг ғамини чекканлар, биласизми? Асарлари мазмунининг халққа етиб бориш-бормаслигининг! Чунки «Муҳокамат ул-луғатайн»да: «Ва турк элида ажлоф (ўқимаган, омий, нодон) ва сода эл сортдин (форсизабонлардан) зиёдадур», — деб ёзган бобомизнинг ҳаёлларидан асарларининг ўз қавмлари орасида қандай ўқилишию қай тариқа талқин этилиши кечмай иложи йўқ эди. Ана шу ўй-хаёлларга берилиб, ижодлари тақдирини чамалаб ўтирганларида ҳужраларига гўё Иқбол, яъни Бахт кулиб кириб келади-да, у кишининг кўнгилларини кўтариб, жумладан, шуни ҳам таъкидлайдики, қуёш нурини ҳеч ким тўсиб қололмайди ёки бирон кимса ойни мис товоқ дея олмайди, гарчи дунё одамлари ичида ҳийлагарлари мўл ёхуд яхшиси кам-у, ёмони кўп бўлса ҳам, кундузни кеча дегувчилар, яъни яхши асарни ёмон деювчилар саноқлигина топилади. Кейин Иқбол энг муҳим гапни айтади:

Чун хавос олида гиромийдур,
Не деса ғам йўқ, улки
омийдур.

Демак, хос одамлар — тушунганлар олдида Навоий асарлари азизу мўътабар экан, бас, омий — тушунмаган кишилар нима деса — деяверсин! Чунки кесак билан тоғ дучлашса, кесакнинг чанги чиқиб кетади, агар хас келиб ўтга урилса, ўзи ёниб, ўтни яна кучайтириб юборади.

Навоий ҳазрат-ку, XVасрдаги саводсиз, омий кишиларнинг бу асарларни ўқимаслиги, ўқиса ҳам, тўғри баҳолай олмаслиги ғамини чекканлар. Лекин, яшириб нима қилдик, ҳозир ёппасига саводли бўлган биз — ўзбекларнинг ҳаттоки зиёлилари, бўрингки, қалам аҳлидан ҳам кўпимиз Навоийни ўқимаймиз. Тилнинг мураккаблиги, эскилиги, тушунмаслигимиз баҳона эмас! Ҳазратнинг ўзлари ўқиб, тўлиқ тушунгангагина эмас, ҳаттоки, ўқиб, юздан биринн тушунганга ҳам дуогўйлик қиладилар:

Ҳар кишикчм, ўқурда
бу нома,
Табъиға гарм бўлса ҳангома.
Неки мен қилмишам —
назар этса,
Юзидан гар бирисига(!) етса,
Табъи гар соф-у, зиҳни
пок ўлғай,
Шак эрмастурки, завқнок
ўлғай,
Анда, шоядки, айлабон
таҳсин,
Анга қилғай дуони доғи
қарин.
Ёраб, андоқ кишига
раҳмат қил!
Охир оромгоҳи жаннат қил!

Демак, бобокалонимиз: асарларимнинг юздан бир маъноснни тушунган одам ҳам завқ-шавққа тўлиб, мени дуо қилади, ўша одамни ҳам, о тангрим, раҳмат қилиб, жойини жаннатдан ато эт, дейдилар.

Бу-ку, юздан бирини тушунганлар экан. Лекин мазкур асарларни ўқиса-ю, ҳеч нарса англамаса, унинг аҳволи нима кечади? Бобомиз уни кечирармиканлар?

Навоийдек бағри кенг инсон бўлганми ўзи денг! Ҳазрат асарларини ўқиб, ундан ҳеч қандай баҳра олмайдиган, ферузани кўриб, уни эшакмунчоқ дейдиган кишиларнинг ҳам гуноҳидан аллакай ўтиб, уларни ҳам дуо бирлан ёд айлаганлар-у, инсофга чақирганлар:

Топмаган табъи поку
хотири соф,
Ки анинг даъби бўлмағай
инсоф,
Қатрача дурдин олмаса
баҳра,
Деса, фируза кўрса:
хармуҳра,
Анга ойини даъбу инсоф эт!
Кўнглини поку
хотирин соф эт!

Энди яна бир тойифа китобхонлар борки, улар, шоир асарларини ўқиган билан сўзлару нуқталар маънисини яхши англамасалар ҳам, Навоийга билибми-билмайми, яхшими ё асоссизми таҳсин айтаверадилар. Бобомиз бундайлардан ҳам меҳрларини дариғ тутмай, уларни ҳам кечирганлар:

Улки таҳсин этар,
вале билмай,
Ўқуғаи нукта даркини
қилмай,
Сўзи гар яхши, гар
газоф дурур,
Ҳар неким ул деса,
маоф дурур.

Ўқиғувчилардан-ку, ҳар қалай, ул даҳонинг хотирлари жам бўлган экан. У кишини қийнаган нарса — асарларининг келажак авлодларга қандай ҳолда етиб бориши эди. Шунинг учун* бесавод хаттотларга айтадиган алоҳида сўзлари бор. Араб ёзувида «кўз» билан «кўр»нинг, «ғайб» билан «айб»нинг фарқи биргина нуқтада. Шунинг учун «кўз»ни «кўр» қилиб қўйган хаттотнинг кўрлиги, «ғайб»ни «айб» қилиб қўйган хаттотнинг айби айтилади: бундайларнинг хомаси, яъни пероссига кўзи сиёҳ бўлсин (демак, у хомасини кўзига суқиб олсин!), тили хома каби ўртасидан икки бўлак қилиб кесилсин, юзи хатдек қора бўлсин!

«Сабъайи сайёр»нинг охирги байтларида Навоий яна ўқувчилар ғамини чекиб, худодан тилайдиларки:

Мана, бу йил — Навоий йили. Ҳар куни тонгда жумҳурият радиоси орқали икки жуфтдан ғазал тинглаймиз. Бу мисралар қатида абад ул-абад яшаяжак руҳ сизга оқади. Шоир асарларинн бевосита ўзингиз ўқиганда оладиганингиз маънавий-руҳий кучни бошқа ҳеч қайси йўл билан топа билмайсиз.

Тўғри, вақт дейсиз, тирикчилик демоқчисиз. Ахир, яшаш ҳам осон бўлмай қолди. Навоий ҳазратлари буюрадилар — юз йил яшайман деган одамга аввал юз йиллик сабр керак:

Юз йил киши умр тилар, бил,
Ким сабр керакдур анга
юз йил.

Деганимни улуса
марғуб эт!
Ёзганимни кўнгулга
маҳбуб эт!
Тилга лафзини
ногузир айла!
Жонга назмини
дилпазир айла!

Бу — кам! Ҳазрат достоннинг халққа зеби торак, яъни эл бошидаги тож зебу зийнати, ўқиганларга эса муборак бўлишини тилайдилар:

Халққа зеби торақ айла ани!
Ўқуғанга муборак айла ани!

Улуғ бобомиз бу асаримни фақат ўз элим ўқисин, демаганлар, достонга етти фалакнинг ошно, яъни ёр-у, етти иқлим элининг харидор бўлишини истаганлар:

Етти афлокни анга ёр эт!
Етти иқлим элин харидор эт!

Кўриниб турибдики, Навоийнинг руҳлари ҳар биримизнинг у киши ёзиб қолдирган бабаҳо китобларни ўқишимизга ҳамиша мунтазир. Лекин, очиғи, ул ҳазрат бизга эмас, аксинча, биз у муҳтарам зотга муҳтожмиз! Демоқчимизки, Навоийни ўқийлик, кўнглимиз ёришади, руҳланамиз, қалбимизда шу вақтгача ҳеч туймаганнмиз — ажиб бир пок сурур жилвана бошлаганинн ҳис қиламиз...

Начора! Бироқ Навоий йилида шамс ул-миллат шоиримизнинг ўз ўқувчилари ҳақига қилган дуолари, Аллоҳдан сўраган илтижоларидан бебаҳра қолишдан ҳам ёмони йўқ-да.

Келинг, яхшиси, «Сабъайи сайёр»ни тўлиқ ўқишга ҳозирча вақт тополмаётган бўлсангиз, ақалли, ҳафтанинг ҳар бир кунида ана шу достондаги ҳафта кунлари таърифида келган икки-уч байтли парчаларни бир ўқиб қўйинг. Бизни дуожўйликда айбламанг-у, ишонинг: ўша куни руҳингиз тамом енгил тортиб, ишингиз ўнгидан келаверади. Чунки шуниси аниқ: одам боласининг Навоийни ўқиган куни ёмонликка қўл уриши сира мумкин эмас. Шунда, лоақал, кунимиздан кунимизнинг фарқи борлигини эсга туширамиз, бугун нимадир қилган-қилмаганимизнинг сарҳисобини оламиз, энг муҳими, қайтарилмас умримизнинг бутун бошли бир куни бекор ўтмаганига шукур қиламиз: ахир, бугун, ҳеч бўлмаса, Навоий бобомиздан икки-уч байт ўқидик-ку!..

ШАНБА

Шанба ўтмишда ҳафтанинг биринчи куни ҳисобланган.

«Сабъайи сайёр»да шоҳ Баҳром ўзи қурдирган етти қасрнинг биринчиси — қора ранглисида Ҳиндистондан келган мусофирдан ҳикоят эшитади. Бобокалонимиз шанбани, Ҳиндистонни ва Кайвон (Сатурн) юлдузини қора ранг-нинг рамзи янглиғ қаламга оладилар.

Асарнинг шанба ҳақида битилган мана бу сатрларини шанба субҳидамида ўқисак, иншоолloҳ, бизни Навоийнинг ўлмас руҳи поклари кун бўйи қўллагай:

Тонгла шанба куни
муносибдур,
Ким кавокиб* шарафға
косибдур*
Субҳи шанбаки,
шоми дайжурий*
Юзига ҳулла ёпти* кофурий.
Қилди кўк сабзазорини
сероб*.

СЕШАНБА

Сешанба, гарчи «се», яъни «уч» ва «шанба» сўзлари бирикувидан иборат ҳамда бу шанбадан кейинги учинчи куи дегани бўлса-да, ўтмишда у ҳафтанинг тўртинчи кунини билдирган.

Сешанба куни Шоҳ Баҳромга қизил қасрда Тароз ўлкасидан келган мусофир ҳикоят сўйлайди. Сешанба, Тароз ўлкаси ҳамда Миррих (Марс) юлдузи қизил ранг-нинг рамзи сифатида тасвирланади.

Сешанба ҳақида битилган мана бу байтларни сешанба саҳарида ёдга олсангиз, кун бўйи руҳингиз тетик бўлади:

Чун сешанба сипеҳри
чобуккез*
Тўкти анжум шароридин*
гулраз.
Боғлади золи чарх*
ўлуб раъно,
Абри шингарфгун*
била ҳино.

ЧОРШАНБА

Чоршанба, гарчи «чаҳор» (ёки «чор»), яъни «тўрт» ва «шанба» сўзларидан ташкил топган ва бу шанбадан кейинги тўртинчи кун дегани бўлса-да, у ўтмишда ҳафтанинг биринчи куни эди.

Шоҳ Баҳром душанба куни яшил қасрда Шаҳрисабздан (сўзма-сўз: «Яшил шаҳар» дегани) келган мусофирдан ҳикоят эшитади. Душанба, Шаҳрисабз ва Ой яшиллик рамзи қилиб тасвирланган.

Душанба тонгида туриб, душанба ҳақидаги қуйидаги мисраларни такрорласангиз, бугун ишингиз унумли бўлади:

Чун душанба сипеҳри
зангорий*,
Зангдин қилди кўзгусин
орий*.
Қилди юз реву* ранг
ила гардун*
Субҳ чодиршабин
зумуррадгун.
Чашмаси бирла меҳри
оламтоб
Шоҳ Баҳром чоршанба куни кўк қасрда Адан мамлакатидан келган мусофирни қабул қилади. Чоршанба, Адан мамлакати ва Аторуд (Меркурий) юлдузи мовий ранг-нинг рамзи каби тилга олинади.

Чаҳоршанбайи муродбахш тонгида чоршанба ҳақида айтилган тубандаги сатрларни мутолаа қилсангиз, иллоҳ, кунн билан ошиғингиз олчи бўлади:

Чоршанбаки, тоқи
нилуфарий
Қилди тун корвонини
сафарий.
Меҳр ўз зарҳалин аён
қилди,
Шамт устиға ғустмон*
қилди.
Кўк фазосиға меҳр
қилди сафар,
Бўлубон рўбарўй нилуфар.

ПАЙШАНБА

Пайшанба (асли: панжшанба), гарчи «панж», яъни «беш» ва «шанба» сўзларидан иборат бирикма ва бу шанбадан кейинги бешинчи кун дегани бўлса-да, у қадимда ҳафтанинг олтинчи кунини билдирган.

Шоҳ Баҳром пайшанба куни сандалий, яъни қорамтир-сариқ рангли қасрда Бохтар (ҳозирги Афғонистондаги Балхнинг қадимий номи, асли ғарб деганн) диёридан келган мусофирга ҳикоят сўйлатади. Бобокалонимиз пайшанба, Бохтар диёри ва Муштарий (Юпитер) юлдузини сандалий ранг рамзи тарзида қаламга олганлар.

Пайшанба ҳақидаги мана бу мисраларни пайшанба куни ўқиш нақадар шараф:

Панжшанбаки, субҳ
чархи маҳал
Сувади кўк жабинига*
сандал*.
Сандалосо насими
лахлахасой*
Кўк димоғига бўлди
атрфизой*.
Бу сифат атри
сандалосодин,
Тун мижози қутулди
савдодин.

ЖУМА

«Жумъа» — арабча «жамъ» ўзакли сўз. Жума куни масжидда жамъ бўлиб намоз ўқилгани учун шундай дейилган. «Масжиди жомаъ» ҳам шундан. Мусулмон мамлакатларида жума — ҳафтанинг охирги, яъни дам олиш куни ҳисобланади. Навоий бу кунни «жумъа» деб ҳам, тожикча «одина» деб ҳам атаганлар.

Шоҳ Баҳром одина куни оқ қасрда Хоразмдан келган мусофир ҳикоятига ошуфта бўлади. Жума, Зуҳра (Венера) юлдузи ва Хоразм оқ ранг-нинг рамзи қилиб тасвирланади.

Одина ҳақидаги мана бу байтлар файзли жума субҳидамида ўқилса, иншоолloҳ, улар кишига ажиб бир фараҳ бахш этади:

Чунки одина бу рафиъ
равоқ*
Қилди тоқин саҳар
гачидин оқ.
Солиб эрди мушаъбиди
гардун*
Нажм доналаридин
оғзиға ун.
Субҳдин лак уйла жўшкурди,
Ким дамидин ул ўтни
совурди.
Субҳ савбини*
гозури афлок*
Меҳр собуни
сўртубон юди пок.

Кавокиб — юлдузлар; **косиб** — эришувчи; **дайжур** — энг қоронғи тун; **ҳулла ёпти**— кийим ёпти, бу ерда: қуёш нур таратди маъносида; **меҳр** — қуёш; **апам** — байроқ; **торам** — гумбаз; **арус** — келин; **заркаш** — зар либос; **сипеҳри зангорий** — зангори осмон; **орий** — тоза, пок; **реў** — макр, ҳийла-найранг; **гардун**— осмон, фалак; **сероб** — серсув: бу ерда қуёш нурларининг таралиши чашмадан оққан сувларга қиёсланган; **чобуккез**— тез чопар, чаққон; **анжум шарори** — юлдузлар учқуни, юлдузлар нури; **гулраз** — гул тўкувчи; **золи чарх** — чарх қариясн, яъни қуёш; **абри шингарфгун** — қизил рангли булут; **шамт** — қора нақш; **шустмои** — суваш, қоплаш; **жабин** — манглай; **сандал** — хушбўй дарахт ёғочи; **лахлахасой** — мушк, анбар, кофур каби ҳар хил хушбўй нарсалар аралашмаси сингари; **атрфизой** — хушбўй ҳид таратувчи; **рафиъ равоқ** — баланд равоқ; **мушаъбиди гардун** — найранг боз фалак; **сааб** — кийим, либос; **гозури афлок** — фалак кир ювувчиси.

Ушбу қўшсаҳифани Ўзбекистон Фанлар фарҳангистони (академияси) Адабиёт институтининг докторанти Султонмурод ОЛИМ тайёрлади.

Ушбу суратга қараб туриб, унда қайсидир бир қаҳвахона тасвирланнбди-да, деб ўйлаётганднрсиз, ҳойнаҳой. Йўқ, бу лавҳа Қўқон шаҳридаги хўжалик ҳисобида ишловчи полниклиника ошхонасида суратга олинган. Икки йил муқаддам ташкил этилган бу саломатлик муассасасида беморлар учун япон ускуналари билан жиҳозланган озода ва шинам хоналар, чўмилиш ҳавзаси каби барча қулайликлар муҳайё этилган.

Ф. НАЗИРОВ олган сўрат.

ЁДНОМА

Бугун Тошкентда «Буни лоақал бир марта кўрган киши умрбод унутмайди» деган мавзуда саъй-ҳаракат бошланади

15 февралда Афғонистон тупроғидан совет чекланган қўшинларининг сўнгги аскарлари чиқиб кетишганига икки йил бўлади. Бу уруш халқимизга жуда қимматга тушди. Иқтисодий сарф-харажатларни бир ёққа йиғиштириб қўяйлик. Қанчадан-қанча йигитларимизнинг умр баҳори гулламасидан хазон бўлди. Улар душман ўқига учиб тупроққа бош қўйдилар. Ярадор бўлиб Ватанга ногирон ҳолда қайтган, айни кучқувватга тўлган пайтида мажруҳ гавдага айланиб, истиқболи барбод этилган ёки олис ўлкаларда асирликда қолиб кетган бахтиқароларнинг қисмати не кечади. Ҳа, Афғонистондагн уруш жароҳатлари ҳали-бери битмайдиган кўринади.

Ўзбекистон ССР Жисмоний тарбия ва спорт комитети ташаббуси билан ана шу санага бағишланиб юқорида тилга олиб ўтилган мавзуда махсус саъй-ҳаракат бошланди. Бунинг учун жуда кенг ва ранг-баранг тадбирларни ўз ичига олган дастур ишлаб чиқилди. Бугун соат 14 да Авиасозлар маданият ва техника саройида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши, Меҳнат масалалари давлат комитети, Ижтимоий таъминот ва Адлия вазирликлари, Туркистон ҳарбий округи вакиллари билан катта учрашув бўлади. Сўнгра «Ўзбекистон» мусиқали-хореографик, «Дўстлик» татар эстрада дасталари маданий хизмат кўрсатадилар. Кечқурун эса «Граммофон» дискоклубининг махсус тайёрланган кўнгилочар программаси намойиш этилади. Худди шу куни Округ офицерлар уйида ҳам бир қатор тадбирлар ўтказиш мўлжаллаб қўйилди. Жумладан, спортнинг ҳарбий-амалий турлари бўйича намуналн чиқишлар бўлади. Ўзбекистон ССРнинг атоқли спортчилари байналмилал жангчилар билан учрашадилар, «Армиямиз келажаги» мавзуида баҳс-мунозара уюштирилади.

16 февраль куни соат 17 да Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари динни бошқармаси вакиллари байналмилал жангчилар ҳузурига ташриф буюрадилар. Сўнгра, уруш қатнашчиларининг учрашув кечаси бўлади.

Саъй-ҳаракат 24 февралда якунланади. Шу куни Округ офицерлар уйида «Урушда бедарак йўқолганлар» мавзунда журналистлар баҳс-мунозараси уюштирилади, «Шўрави» вокал-чолғу дастаси хизматда бўлади. Ана шу кунлар мобайнида театрлар, кўргазмалар, кинночилар уйи байналмилал жангчилар ихтиёрига бериб қўйилади, республика корхоналарида ишлаб чиқарилган харидоргир моллар савдоси ташкил этилади.

Бу хайрли тадбир мароқли ўтишига тилакдошмиз.

Ҳондамир ТОҲИР ўғли.

МУЛОҲАЗА

ТАҚДИР ҲАЗИЛИ

Ётоқхонада ширин суҳбат борарди. Кеердан ҳам бир талаба қўлидаги рўзномага ишора қилиб:

— Мана шу мақола хусусида нима дея оласиз: сочи узуннинг ақли калтами? — деб сўраб қолди.

— Газета сизларникн, мақола снзларга атаб ёзилган, — деб ўзимни четга олганимни биламан, ҳонада ола-говур мунозара бошланиб кетди.

Бир-бирини иккор этучи, ҳатто таҳқирловчи гап-сўзлар авжига чиқди.

Кимдир: «Бир бошга ҳам узун соч, ҳам беҳисоб ақл кўплик қилмайдими?» — деса, бошқаси: «Табиат ҳар кимга ҳам тантнлик қила бермайди» — дея зардали жавоб қайтарди. Мен бўлсам оқибати нима билан тугаркин, деган хавотирдаман.

Мунозарага яна ўша биринчи бўлиб гап бошлаб, «ариҳонани» қўзғатган йигит аралашди: «Ақли калта бўлмаса, қирққокил сочни кестирмай Гуллитга ўхшаб юрмасмиди? (Гуллит — Европада энг узун сочли футболчи). Қизлар ҳам унга нордонгина жавоб қайтаришди: «Дўппи кийишдан орланадиган йигит сочи узун қиз қолмади деб ташвиш қилмаса ҳам бўлади». Орага тушмаганимда, аччиқ гап-сўзлар ҳали-бери тугамасди.

— Қадрли талабалар, жамиятимизнинг фожнаси шундаки, катта-кичик — ҳаммамиз мунозара юритиш маданиятини билмаймиз. Мана снзлар, қараб турсам, жиззакилик билан жаддларимиз учун муқаддас туйғу ҳисобланган аёл шаънини беҳурмат қилишгача бораяпсизлар. Парвардигор аёлни Одам Атонинг ўнг қовурғасидан яратгани ҳақидаги риваятни биласизлар. Нега шундай қилган, ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Оллоҳ эркаклар зотига «Ҳеч бўлмаса ўз қовурғадошингизга оқибатли, андишали бўлинг», демоқчи. Соч қирқиш масаласига келсак, бу одатнинг шарқона одоб доирасига ҳеч қандай дахли йўқ. Маданиятлилик белгиси ҳам эмас.

Ҳаёт мўъжизаларга шунчалик бойки, инсоннят ақли унинг олдида ҳамиша лол қолиб келган. Узингиз ўйлаб кўринг: нега айрим эркакларнинг сочи 30 ёшдан ўтгач тўкила бошлаб, 40 ёшга бориб-бормай бош тақир бўлиб қоладн-ю аёлларда бу ғайри-табиий ҳодиса деярли рўй бермайди. Бу ҳам табиатнинг бир мўъжизаси, аёл зотига саховати эмасми? Утмишда шариат дастурини шарҳлаб берган буюк тилшунос Маҳмуд Қошғарий ҳам: «Аёл жнсмонан нозиклиги, овозининг нафислиги, сочнинг узунлиги билан эридан устун турмоғи лозим», деб уқтирган эди. Дарҳақиқат, аёл ҳаёт гўзаллиги бўлса, узун соч унинг кўркидир.

Мушканбар бўйнин тараётувчи, сўлим ва узун соч қайси йигитни мафтун этмайди, дейсиз!

Қизларнинг сочи ҳақида кимлар ашъор битмаган, дейсиз. Қайси классик шоир ижодида қизларнинг сочи мадҳ этилмаган? Сўлим сочли қизга ишқи тушган Бобурнинг: «Сочнинг савдоси тушди бошима бошдин яна» деган фиғонига қулоқ солганмисиз?

Ўзбек шеъриятнинг султони ҳазрат Навоий маъшуқанинг узун сочига маҳлиё бўлиб қуйидагича таъриф беради:

Сочнинг ҳар толасини
юз минг тумен деб
сотсалар,
Ошиқи бечора айтур,
нархи арзондир ҳзнуз.

Қадим-қадимдан хотин-қизларимиз соч пардозига алоҳида эътибор беришган. Келинчаклар сочини нафис ва кўркам қилиб ўриш учун тўй кунлари махсус моҳир соч ўрувчилар таклиф этилган.

Йигитларнинг узун сочни кўпроқ ёқтириш иштиёқи кучлилигини англаган қизлар ҳатто қўшимча соч улаш тадбирини ҳам ўйлаб топганлар.

Воажаб, аёллари аёллар калта сочларини узайтириш ҳаракатида бош қотирган бўлсалар, эндиликда уни қирқиб ташлаш йўли билан эркакларнинг назарига тушмоқни ўзларнга эп кўришса-я!

Шарқона одатларга разм солсангиз, қадимда шариат ҳукмрон бўлган мусулмон мамлакатларида энг оғир гуноҳ қилиб қўйган аёлларга нисбатан «сочини кесиш» жазо ҳукми буюрилган. Тақдир ҳазилини қарангки, ўтмишда аёлларни таҳқирловчи бу шафқатсиз одат эндиликда «маданиятлилик» белгисига, гўзаллик рамзига айланса-я? Менинг бу мулоҳазаларим замон зайли билан сочини кестириб «хушбичим» бўлиб юрган баъзи аёлларимиз дилига эҳтимол озор атказар. Рост-да, улар орасида менан кўра ёши улуғроқ, мартабаси баландроқ, унвони юқорироқ опаларимиз анчагина. Гапимни оғир олиб, эътироз билдиришлари мумкин. Аммо фикрлар хилма-хиллигига нима етсин. Машҳур немис файласуфи Гегель бежиз айтмаган: «Ҳамма бир хилда фикр қилдими, демак, жамият фикр қилишдан тўхтабди».

Аҳрор ҲАСАНОВ,
Вухоро педагогика институтининг доценти.

Ахлоқ-одоб ҳадислари

101. Қуръонни ўқиб унга амал қилинглар. Ундан узоқлашиб ҳам кетманглар, унинг маъносига чуқур маъно бераман деб хато ва муболағага берилиб кетманглар. Уни тирикчилик воситаси қилиб олиб, молу дунё орттиришга ҳам ўтманглар.

102. Бойларнинг уйнга камроқ кирнглар, акс ҳолда Тангрининг сизларга берган неъматларнни писанд қилмаган бўласнзлар.

103. Узр сўрашликни камроқ қилинг.

104. Обрўли кишиларнинг хато ва камчиликларини кечирнглар, катта гуноҳлар бундан мустасно.

105. Тангрининг ҳадларини қариндошу бегонага баробар жорий қилинглар. Тангри йўлидаги барча ишларнигизда маломатчиларнинг маломати (сизни) тўхтатиб қолмасин.

106. Гуноҳнинг каттаси: Тангрига ширк келтирмоқлик, ноҳақ қон тўкмоқлик, ота-онага оқ бўлмоқлик ва ёлғон гувоҳлик бермоқлик.

107. Бу дунёда бемаъни гапларни кўп гапирадиган одамнинг гуноҳи қиёмат кунн кўп бўлур.

108. Лаззатларнн йўқотувчи нарса (ўлим)ни кўпроқ эсланглар. Кимки камбағаллнкда ўлимни кўпроқ эсласа, бой бўлур, бойлнкда ўлнмни камроқ эсласа қашшоқ бўлур.

109. Инсон хатони кўпроқ ўз тили билан содир қиладн.

110. Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшилангизлар.

111. Нонни эъзозланглар.

112. Имон жиҳатдан мўминларнинг комилроғи — хулқи яхши бўлгани ва хотинларга яхши муомала қиладнганидир.

113. Огоҳ бўлингки, ғазаб бамисоли инсон ичидаги ёниб турган чўғдир. Биласизларки, ғазаби келган кишининг кўзлари қизариб, томирлари шишиб кетади. Агар бирорталарингиз шундай ҳолатга тушиб қолсаларингиз ерга ўтнриб олинглар! Огоҳ бўлингки, одамларнинг яхшиси — ғазаби секин келиб, аслига тез қайтадиганидир. Ғазаби секин келиб, секин кетса ёки тез келиб, тез кетса, бу ҳам дуруст. Огоҳ бўлингки, савдогарларнинг яхшиси — савдо-сотиқ ишларида хушмуомала бўлади, ёмон эса қўпол муомалада бўлади. Ана шундай хислатлардан лоақал биттасига эга бўлса ҳам дуруст.

114. Огоҳ бўлингки, ҳар бир хиёнатчн қиёмат куни хиёнатн миқдорида танилиш учун байроқ кўтариб юради. Огоҳ бўлингки, хиёнатнинг каттаси амирларнинг халқ оммасига қилган хиёнатидир. Огоҳ бўлингки, ҳақ гапни билган кишининг у гапни гапиришга одамларнинг ҳайбати тўсқннлик қилмасин! Огоҳ бўлнингки, жнҳодларнинг афзали золим подшоҳ олдида айтилган ҳақ сўздир. Огоҳ бўлингки, умрингизнинг қолган қисмн бамисоли яшаб турган кунингизнинг қолган қнсми кабидир.

115. Аввало онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил.

116. Тангри гўзалдир, гўзалликни яхши кўради.

117. Тангри афв этувчидир ва афв этувчи кишиларни дўст тутади.

118. Тангри сахийдир, сахийларнн дўст тутади. Ахлоқи олий кншиларни ёқтириб, ахлоқсизларни ёқтирмайди.

119. Қозилар зулм қнлмасалар, Тангри улар билан биргадир. Зулм қилншлари биланоқ ўзи улардан узоқлашиб, шайтонни қолдириб кетади.

120. Тангри умматларимни залолат ишнга бирлаштирмайди. Тангри кўпчиликка ёрдам беради. Кимки кўпчиликдан ажралса, дўзахга йўл олган бўлади.

١٠١-اِقرَؤا اَلقُرآنَ وَاعمَلوا بِهِ وَلا تَجفوا عَنهُ وَلا تَغلوا فيهِ وَلا تَاكلوا بِهِ وَلا تَستَكسِروا بِهِ

١٠٢-اَقِلّوا الدُّخولَ عَلَى الاَغنِياءِ فَاِنَّهُ اَحرى اَن لا تَزدَروا نِعَمَ اللهِ عَزَّوَجَلَّ

١٠٣-اَقَلُّ مِنَ المَعاذيرِ

١٠٤-اَقيلُوا ذَوِى الهَيئاتِ عَثَراتِهِم اِلاَّ الحُدُودَ.

١٠٥-اَقيموا حُدُودَ اللهِ فِى البَعيدِ وَ القَريبِ وَلا تَاخُذكُم بِاللهِ لَومَةُ لائِمٍ

١٠٦-اَكبَرُ الكَبائِرِ الاِشراكُ بِاللهِ وَقَتلُ النَّفسِ وَعُقوقُ الوالِدَينِ وَشَهادَةُ الزُّورِ

١٠٧-اَكثَرُ النّاسِ ذُنوباً يَومَ القِيامَةِ اَكثَرُهُم كَلاماً فيما لا يَعنيهِ.

١٠٨-اَكثِروا ذِكرَ هاذِمِ اللَّذّاتِ المَوتِ فَاِنَّهُ لَم يَذكُرهُ اَحَدٌ فِى ضيقٍ مِنَ العَيشِ اِلاّ وَسَّعَهُ عَلَيهِ وَلا ذَكَرَهُ فِى سَعَةٍ اِلاّ ضَيَّقَها عَلَيهِ

١٠٩-اَكثَرُ خَطايَا ابنِ آدَمَ مِن لِسانِهِ

١١٠-اَكرِموا اَولادَكُم وَاحسِنوا آدابَهُم

١١١-اَكرِموا الخُبزَ

١١٢-اَكمَلُ المُؤمِنينَ اِيماناً اَحسَنُهُم خُلُقاً وَخِيارُكُم خِيارُكُم لِنِسائِهِ

١١٣-اَلا اَنَّ الغَضَبَ جَمرَةٌ تَوقَدُ فى جَوفِ ابنِ آدَمَ، اَلا تَرَونَ اِلى حُمرَةِ عَينَيهِ وَانتِفاخِ اَوداجِهِ فَاِذا وَجَدَ اَحَدُكُم شَيئاً مِن ذلِكَ فَالاَرضَ فَالاَرضَ، اِلاّ اَنَّ خَيرَ الرِّجالِ مَن كانَ بَطِيءَ الغَضَبِ سَريعَ الرِّضا وَ شَرَّ الرِّجالِ مَن كانَ سَريعَ الغَضَبِ بَطِيءَ الرِّضا، فَاِذا كانَ الرَّجُلُ بَطِيءَ الغَضَبِ بَطِيءَ الفَيءِ اَو سَريعَ الغَضَبِ سَريعَ الفَيءِ فَاِنَّها بِها، اَلا اَنَّ خَيرَ التُّجارِ مَن كانَ حَسَنَ القَضاءِ حَسَنَ الطَّلَبِ وَ شَرَّ التُّجارِ مَن كانَ سَيِّءَ القَضاءِ سَيِّءَ الخُلُقِ فَاِذا كانَ الرَّجُلُ حَسَنَ القَضاءِ سَيِّءَ الطَّلَبِ اَو كانَ سَيِّءَ القَضاءِ حَسَنَ الطَّلَبِ فَاِنَّها بِها

١١٤-اَلا اِنَّ لِكُلِّ غادِرٍ لِواءً يَومَ القِيامَةِ بِقَدرِ غَدرَتِهِ، اَلا وَاِنَّ اَكبَرَ الغَدرِ اَميرُ عامَّةٍ، اَلا لا يَمنَعَنَّ رَجُلاً مَهابَةُ النّاسِ اَن يَتَكَلَّمَ بِالحَقِّ اِذا عَلِمَهُ، اَلا اَنَّ اَفضَلَ الجِهادِ كَلِمَةُ حَقٍّ عِندَ سُلطانٍ جائِرٍ اَلا اِنَّ مِثلَ ما بَقِيَ مِنَ الدُّنيا فيما مَضى مِنها مِثلُ ما بَقِيَ مِن يَومِكُم هذا فيما مَضى مِنهُ

١١٥-اَنتَ ثُمَّ اُمُّكَ ثُمَّ اُمُّكَ ثُمَّ اَباكَ

١١٦-اِنَّ اللهَ جَميلٌ يُحِبُّ الجَمالَ

١١٧-اِنَّ اللهَ غَفورٌ يُحِبُّ العَفوَ

١١٨-اِنَّ اللهَ كَريمٌ يُحِبُّ الكَرَمَ وَيُحِبُّ مَعالِيَ الاَخلاقِ وَيَكرَهُ سَفسافَها

١١٩-اِنَّ اللهَ تَعالى مَعَ القاضي ما لَم يَجُر فَاِذا جارَ تَبَرَّاَ اللهُ مِنهُ وَ لَزِمَهُ الشَّيطانُ

١٢٠-اِنَّ اللهَ تَعالى لا يَجمَعُ اُمَّتي عَلى ضَلالَةٍ وَيَدُ اللهِ عَلَى الجَماعَةِ وَ مَن شَذَّ شَذَّ اِلَى النّارِ

Инсофсизлик

ЧАҚАЛОҚ ЎҒРИЛАРИ

«Народное слово» рўзномасининг 22 январь сонида республика прокуратураси бошқармасининг бошлиғи Фахриддин Раҳимовнинг соғлиқни сақлаш муассасаларида йўл қўйилаётган айрим ножўя ҳаракатлар тўғрисидаги мақоласи берилган, унда Ғаллаорол районида содир бўлган воқеа тўғрисида ҳам умумий гап юритилган эди. Уша мақолага қуйида эълон қилинаётган мудҳиш ҳодиса тафсилотини атайлаб қўшмаслиқни, бу ҳақда «Халқ сўзи»да муфассал ёзиб чиқишни муаллифдан лутфан сўрегандик. Қуйидаги мақола шу хусусда.

Ғаллаорол районида яшовчи Маҳарой Носирова 1990 йил 2 апрелда касалхона туғруқхонаси бўлимидан бир нафар «новараси»нинг ўлигини олиб келди. У урф-одатга кўра ҳамма расм-русмларни ўрнига қўйиб, маҳалла одамларини чақириб, дафн маросимини ҳам ўтказди. Бу даргоҳда аза очилди, уйга мотам кирди. Марҳум гўдак бўлса ҳам бир қанча вақт, одатга кўра, унинг арзоҳи ҳурмати жойига қўйилди.

Носироваинг қизи Холида Келдиева 1990 йил 30 март куни шу район туғруқхонасида иккн нафар ўғил кўрган эди. Новараларидан бири касалхонада ўлди деб, Маҳарой Носировага чақалоқнинг ўлигини беришди. Врач Нафиса Нурматова унга новараларидан бири вафот этганлигини, ўлиқхонадан унинг ўлигини олиб кетишнни айтганда соғлом бола нимага бирдан вафот этганнни тушунмади. Шу саволнн врачга ҳам берди. Нурматова эса содда қишлоқ аёлнни ишонтириш учун жиддий тарзда «чақалоқларнинг бири ўзн чалароқ туғилгандн» деди. Врач шундай дегач, онаннинг қўлидан нима ҳам келар эди, «худонинг иродасида» деб, бу мудҳиш воқеа қандай содир бўлганлигини билмай, гўдак жасаднни олиб кетаверди. Бир фарзанд ўлгаи бўлса иккиничси тирик-ку, бошлари ёш, ҳали кўп фарзанд кўрадилар деб ўзларига тасини ҳам беришди. Чақалоқнинг қандай ўлгани эса сирлигича қолаверди.

Лекин ёпиқлиқ қозонинг усти бир куимас бир кун очилар экан.

Ғаллаорол район прокурори Жўраевга Ленин номли соахозснинг Сарибозор қишлоғида яшовчи Келдиева Холида томонидан

АРИЗА

...1990 йил 30 март куни мен Ғаллаорол районидаги туғруқхонада кўзнм ёриб, 2 та ўғил фарзанд кўрдим. 2 апрель куни олдимга битта ҳамшира кириб, болаларингиз жуда нимжон туғилгаи эди, айниқса кичкинаси, шуниси ўлиб қолди, деди. Алм мени кўриш учун касалхонага келганда унга врач Нурматова ҳам шундай деган.

...Ҳозирги кунда биа эшитсак, врачлар менинг боламни ўлди деб айтиб, аслида бошқа одамга бериб юбориб, менга бироннинг ўлик боласини беришган экан. Менинг боламни олиб бериб, шу врачларга нисбатан чора кўришларингиани сўрайман.

КЕЛДИЕВА Х.
1990 йил 21 май».

Ухлаб тушнигга кирмайдигаи воқеа! Наҳотки врачлар шу йўлга кирсалар, бу мумкин эмас, Келдиева адашаётгандир, деб ўйлаётган бўлсангиз керак. Чунки оқ халат кийиб, Гиппократ қасамини ичгаи врачлар одамларни ўлимдан сақлайдилар, дардга малҳам берадилар, асло одамфурушроваларга ёмонликни ҳатто сиғинмайди деб билган аёл зотига мансуб шахслар содир этишган деб айтсак, бу сизни юз карра ажаблантирса керак.

Энди эса муштарийлар тоқатнни тоқ қилмасдаи мудҳиш жиноят қандай амалга оширилганини, уни бажаришда кимлар иштирок қилишганини баён этсак. (Газетхоиларга тушунарли сабабларга кўра шу воқеа иштирокчиларидан баъзи бирларнининг исм ва фамилияларини ўзгартириб баришни лозим топдик).

Шундай қилиб, 30 март куни касалхонада Келдиева соғлом эгизак — икки ўғил туғади. Худди шу касалхонада, айнаи шу куни Жиззах шаҳридаи келган Клара Бобоева ҳам ўғилли бўлади. Лекин у никоҳсиз туғилганлиги сабабли болаии олишдан бош тортиб, тилхат ёзиб бериб, касалхонадан чиқиб кетади.

«Мен, Нурматова Нафиса, Ғаллаорол район марказнй касалхонаси туғруқхона бўлимида врач-педиатр вазнфасида ишлаб келаман. Каримова Салима исмли танишим илгаридан менга фарзанд туғмаслигини, бир бола тўғирлаб беришни илтимос қилиб юрар эди. Мен бу гапни туғруқхона бўлим мудири Поччаева Ҳалимага айтган эдим, у киши «майли, ташлаб кетган болалардан бирини берамиз» деганди. Шундан сўнг 1990 йил 31 март куни эрталаб менга Поччаева Ҳалима «қариндошнигизни олиб келинг, бирови тугди, боласини ташлаб кетади» деди. Мен Поччаевага, Каримова Салимани касалхонада тугди деб расмийлаштириш керак, у одамларга тугдим дейиши зарур, деб айтдим».

(Гумондор Нурматова Нафисанинг кўргазмаси).

Бўлим мудирининг ҳотамтойлигини қаранг-а! Одамлар тақдирига бу тарзда ёндашувга йўл қўйилмаслигини, туғруқхонадаи олиб кетишдаи бош тортган аёлларнинг чақалоқларини қонун йўли билаи қандай расмийлаштириш кераклигини Поччаева жуда яхши биладн-ку. Худди буюмни тақсимлаётгандек, чақалоқнинг тақдирини ҳал этиб бўладими!

Шу келишувдан сўнг Салима Каримова туғруқхонада ётқизилиб, унга касаллик тарихи очилиб, Клара Бобоева туққан ўғил болаии Салима Каримова туғди деб расмийлаштирилади. Шундай қилиб, Бобоева Клара туққан болага врачларнинг қонунга хилоф равишда расмийлаштирган ҳужжатларига асосан Каримова «она» бўлиб олади. Ҳамма иш хамирдан қил суғургаидек осонгина битгаиидан врачлар ҳам, Каримова ҳам хурсанд. Бироқ хурсандчилик узоққа чўзилмади.

«Мен 1990 йил 1 апрель якшанба куни эрталаб соат 9 да ишга келиб, навбатчиликни қабул қилдим. Уни менга Салоҳиддинова топширди ва Каримова Салиманинг боласи огир аҳволда эканлигини айтдн. Навбатчи врачга бу ҳақда айтганимдан сўнг, врач дори-дармонлар тайинлади, уларнинг ҳаммасини бажардим. Лекин бола огир ҳолатда эди. Шу туфайли у шу куни соат 12.00 да вафот этди».

(Ҳамшира Замира Мамараҳимованинг кўргазмасидаи).

Касалхоналарда вафот этган касаллар жасади суд-тиббиёт кўригидан ўтказиш учун уларга тўлдирилган касаллик тарихи билаи биргаликда ўлиқхонага олиб берилади. Чақалоқларда эса тарихидан ташқари бўйнида ва қўлида ёзилган тақинчоқлари бўлади. Ҳамшира Замира Мамараҳимова қоидага мувофиқ Салима Каримованинг вафот этган «боласи»ни шу тақинчоқлари ва касаллик тарихи билан суд-тиббиёт кўригидан ўтказиш ўлиқхонасига топширади.

Врач Нурматованинг ўйлаган ўйи охирига етмади, чақалоқ вафот этди. Бу қонунсиз ҳаракат эскичасига айтганда худога ҳам ёқмади. Нурматова бундан хулоса чиқариб ўзнин тўхтатиш керак эди. Йўқ, у ўзнни тўхтатмади, яна оғирроқ жиноятга қўл урди. Тергоида Нурматованинг бу ишларни содир этишдаи манфаатдор бўлгаилиги аниқланмади. Лекин Каримоваии дам қариндошим, дам яқин танишим деб кўргазма бериши, бир марта қонунсиз йўл билаи бировнинг фарзаидини унга расмийлаштиришда жонкуярлик қилиб, бу ҳам бўлмагаидан кейин яна жиноят йўлига ўтиши одамни хаёлга толдиради.

Шундай қилиб, 1990 йил 2 апрель куни ишга келган Н. Нурматова Салима Каримованинг боласи ўлганини биладн.

«Мен соат 9.30 ларда чақалоқлар ётган биринчи постга кириб, Холида Келдиеванинг эгизак болаларидан биттасини олиб, иккинчи постга Каримова Салиманинг боласи деб ҳамшираларга айтиб ўтказиб қўйдим. Мени Келдиеванинг боласини ўтказиб қўйганлигимни ҳамширалар кўргаи эмас. Шундан сўнг ўлиқхонага олиб бориб қўйилган Каримованинг «боласи»ни касаллик тарихига ёзиб келиш учун экспертизага бордим. У ерда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб Келдиеванинг болаларидан биттасини қўлидан ва бўйнидан тақинчоқларни ечиб борган эдим, шу тақинчоқларни Каримованинг ўлган «боласи» тақинчоқлари ўрнига Келдиеванинг боласи тақинчогини тақиб қўйдим. Каримованинг «боласи» тақинчогини туғруқхонага олиб келиб Келдиеванинг биринчи постдан иккинчи постга ўтказиб қўйган боласига тақиб қўйдим».

(Н. Нурматовااнинг кўргазмасидан).

Ана, Н. Нурматова яна бир ҳийла билаи ўликни тирикка, тирикни ўликка айлантириб, Каримоваии иккинчи марта «она» бўлиш бахтига муяссар қилди. Қаранг, шифокор деб аталмиш шахснинг қўли қандай қилиб ўликнинг тақинчоқларини тирик чақалоққа тақиб, тилсиз, ожизсиз гўдакни ўзининг ғараз ниятини амалга ошириш учун уни қўғирчоқ сингари хоҳлаган одамига ҳадя қилишга борди-я! Инсон зоти бунақа ҳаракатни сира ҳам тушунмайди, бу унга ёт нарса, айниқса шифокор номига эга бўлганларга.

Прокуратура ходимлари тергоини синчковлик билаи олиб боришди, воқеа бутун тафсилоти билаи аниқланди. Келдиеваннинг фарзанди туғилганидан қарийб 2 ойдан сўнг бўлса ҳам ўз онасига қайтарилди. Ғаллаорол район халқ суди ушбу жиноят ишини Р. Юнусова раислигида судда кўриб, Н. Нурматова нисбетан Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 107-моддаси билаи айблов ҳукми чиқарди. Ҳукм ва тайинланган жазо ҳақида ғапирмоқчи эмасмиз. Бу ғайриинсоний воқеани ёритиб пок виждонли, оқ кўнгилли, ҳар бир бемор дардини ўз дардидек биладиган шифокорларнинг оғир меҳнатларига бир баҳя ҳам соя солмоқчи эмасмиз. Лекин касбига ёт, қасамига қарши иш тутаётган, шифокор деган номга номуносиб шахслар орамизда бор эканлар, уларнинг номларини айтиш, қонуний жазога тортиш шарт деб биламиз.

Фахриддин РАҲИМОВ

Ўзбекистон ССР прокуратураси бошқармасининг бошлиғи, ҳуқуқшуносликфанлари номзоди, «Народное слово» рўзномаси таҳрир ҳайъатининг аъзоси.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МУХТОРОВ.

Таҳрир ҳайъати: Анвар ЖУРАБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Абдували ИМОМАЛИЕВ, Йўлдош ИСМОИЛОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Азим СУЮН, Тоиба ТУЛАГАНОВА, Муҳтарама УЛУҒОВА, Сайди УМИРОВ, Норбобо ШАКАРОВ, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ, Ориф ЮНУС.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00 Индекс: 64608. 4907-буюртма.
Босишга топширилди 23.10

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12